

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ БЎЙИЧА
МУТАХАССИСЛАРНИ ИЛМИЙ-МЕТОДИК ТАЪМИНЛАШ, ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

**“ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ”
ва “СПОРТ ФАОЛИЯТИ”
йўналишлари учун**

**“ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ СОҲАСИДА
МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ
ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ”
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2017

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил
“___” _____даги ___-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур
асосида тайёрланди.

Тузувчи: **Ядгаров А.А.**–Тошкент давлат иқтисодиёт
университети, “Саноат иқтисодиёти” кафедраси
доценти, и.ф.н.

Такризчилар: **Баек Мунг Жонг** – Жанубий Корея Ховон
университети профессори,

Набиуллин Р.Х. – Ўзбекистон давлат жисмоний
тарбия институтининг Молия ва иқтисод ишлари
бўйича проректори.

*Ўқув-услугий мажмуа Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти
Кенгашининг 2017 йил _____даги ___-сонли қарори билан нашрга тавсия
қилинган.*

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур	3
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интрефаол таълим методлари.....	9
III. Назарий материаллар.....	14
IV. Амалий машғулот материаллари	49
V. Кейслар банки	55
VI. Мустақил таълим мавзулари	57
VII. Глоссарий	58
VIII. Адабиётлар рўйхати.....	61

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг Ҳаракат стратегиясида вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутоносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” маърузасида айнан, “... иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани, шунингдек, мамлакатимиз ҳудудларини ривожлантириш бўйича қайси энг муҳим кўрсаткичларни жорий йил биринчи чораги ва биринчи ярим йиллигида бажариш учун нима қилиш керак?” таъкидлаб ўтганлар¹.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида катталарни ўқитиш тузилмаси ва мазмунини ташкил этишни долзарб вазифа қилиб қўйди. Бу муҳим вазифани ҳал этишда кадрлар тайёрлаш миллий моделининг муҳим таркибий қисми – янги типдаги бўлган педагог раҳбарларни тайёрлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да олий таълимни таълим муассаси сифатидаги ривож, педагог кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Бу масалаларни ҳал этишда бир қатор олий ўқув юртларда касбий таълим йўналишлари ташкил этилиб, таълим методларини танлаш ва янгиларини ишлаб чиқиш давр талаби бўлиб қолмоқда. Давлатимиз раҳбари кадр танлашга эътиборни кучайтириш, уларнинг раҳбарликка доир қиёфасини ўрганиш, уларни мақсадли тарбиялаш, ўргатиш. Бу мақсадга етиш учун хорижий тажрибадан фойдаланиш зарурлигини кўрсатиб ўтган.

Дастурда жисмоний маданият ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларининг иқтисодий-молиявий имкониятларини аниқлаш ва баҳолаш ҳамда спорт ташкилотларида спортни бошқаришда менежмент ва маркетинг ишларини ташкил этишнинг долзарб масалалари, спорт мусобақаларини ташкил этиш, спорт мусобақаларининг сарф-харажатлар сметаси, спорт менежерининг ва спорт тренернинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўрганилади. Ҳозирги вақтда бутун дунёда долзарб бўлиб спорт ташкилотларининг молиявий таъминот ҳолати таҳлили ва спорт менежменти

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи» Г.// 16.01.2017 й.

ва маркетинг ишларини самарали ташкил этиш орқали спорт соҳасини ривожланишида муҳим аҳамият касб этмокда.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Жисмоний маданият ва спорт соҳасида молиявий таъминотни ташкил қилиш ва унинг таҳлили” **модулининг мақсади:** тингловчиларни жисмоний маданият ва спорт соҳасидаги муассасаларни молиялаштириш тартиби, жисмоний маданият ва спорт соҳасини молиялаштиришнинг бюджет ва бюджетдан ташқари манбалари, бюджетга қарашли спорт ташкилотларида штатлар жадвалининг шакллантирилиш тартиби, жисмоний маданият ва спорт соҳаси менежерининг смета ижросини таъминлашдаги ўрни, йиллик смета харажатларинг самарали фойдалинишида корхона менежерининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жисмоний маданият ва спорт соҳасида бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш механизмлари ва маблағларни ишлатиш тартиби, моддий-техник базасини янгиланиб бориш механизмлари.

-спорт таълим муассасаларининг иқтисодий-молиявий масалалари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини таркиб топтиришдан иборат.

“Жисмоний маданият ва спорт соҳасида молиявий таъминотни ташкил қилиш ва унинг таҳлили” **модулининг вазифалари:** тингловчиларда спорт таълими муассасаларини молиялаштириш тартиби, манбалари, ташкилотнинг йиллик харажатлар сметаси ва унинг бандлари, штат жадвали ва тарификациясининг тузилиш тартиби, бюджети, бюджетдан ташқари маблағлар ва уларни ишлатиш тартибини, маблағлар тушуми, уларни ишлатиш, солиқ, солиққа тортиш ва молиявий-ҳўжалик фаолиятини тўғри олиб боришни ўргатишдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Жисмоний маданият ва спорт соҳасида молиявий таъминотни ташкил қилиш ва унинг таҳлили” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган ишлар доирасида:

Тингловчи:

- соҳага оид қонунлар ва қонун ости ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни билиш ва унга амал қилиш;
- спорт таълими муассасасининг низомини билиши;
- спорт таълими муассасаларини молиялаштириш манбаларини билиши;
- ташкилотнинг йиллик харажатлар сметаси билиши;
- ташкилотнинг штат жадвали ва тарификацияси ҳақида билим ва кўникмага эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- таълим муассасаси даромадларидан солиқлар, солиққа тортиш ва солиқ имтиёзларини;
- спорт таълими муассасаларида аванс ҳисоботларини тузиб, ҳисобхонага топшириш тартибини;

- спорт таълими муассасаларини молиялаштириш тартиби, манбаларини; ташкилотнинг йиллик харажатлар сметаси ва унинг бандларини;
- ташкилотнинг штат жадвали ва тарификациясининг тузилиш тартиби ва тузиш;
- спорт таълими муассасалари бюджети, бюджетдан ташқари маблағлар ва уларни ишлатиш;
- таълим муассасаларида маблағлар тушуми, уларни ишлатиш, солиқ, солиққа тортиш ва молиявий-хўжалик фаолиятини тўғри олиб бориш;
- спорт таълими муассасаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш каби малака ва компетенцияларга эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Жисмоний маданият ва спорт соҳасида молиявий таъминотни ташкил қилиш ва унинг таҳлили” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Ўқув жараёнида таълимнинг интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситалари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида ақлий ҳужум, концептуал жадвал, ўйланг-жуфтликда ишланг-фикр алмашинг каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларидан;

- амалий машғулотларда баҳс-мунозара, тушунчалар таҳлили, ақлий ҳужум, кейс, гуруҳларда ишлаш, SWOT- таҳлил жадвал каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларни қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Жисмоний маданият ва спорт соҳасида молиявий таъминотни ташкил қилиш ва унинг таҳлили” модули ўқув режадаги “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари”, “Спорт “Жисмоний маданият соҳасида илғор хорижий тажрибалар”, “Жисмоний маданият соҳасида мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари” каби ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда тингловчиларнинг касбий тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимидаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар спорт таълим муассасаларини молиявий-иқтисодий таъминоти ва таҳлили ҳамда спорт менежменти каби касбий компитентликга эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимооти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Мустақил тайёрларлик
			Жами	Жумладан			
				Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1.	Жисмоний тарбия ва спорт фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари	2	2	2			
2.	Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш ва уни молиялаштириш	4	4	2	2		
3.	Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида спорт менежмент ва маркетинги фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш	4	4	2	2		
4.	Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида молиявий маблағлар тушуми, харажатлар сметасини тузиш ва молиявий фаолиятни таҳлил қилиш	4	2		2		2
Жами:		14	12	6	6		2

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Жисмоний тарбия ва спорт фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тамойиллари. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасалари. Жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларининг турлари. Спорт таълим муассасаларини молиялаштириш тартиби ва қоидалари. Жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларини молиялаштиришда бюджет

манбалари ва ундан фойдаланиш қоидалари. Спорт таълими муассасаларини молиялаштиришда бюджетдан ташқари манбалар ва ундан фойдаланиш.

2-мавзу: Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш ва уни молиялаштириш

Ўзбекистонда болалар спортини ташкил этишда меъёрий-ҳуқуқий асослар. Болалар спортини ривожлантириш босқичлари. Болалар спорт объектларини қуриш ва реконструкция ҳолати. Болалар спорт объектларини ҳудудий кўрсаткичлари ва иқтисодий таҳлили. Болалар спорт соҳасидаги таълим муассасаларидаги объектлардан фойдаланиш ҳолати. Болалар спорт объектларини спорт анжомлари ва спорт инвентарлари билан таъминлаш ҳолати таҳлили. Болалар спорт объектларида штатлар жадвалини шакллантириш тартиби. Штатлар жадвалининг расмийлаштирилиши ва тасдиқланишида жавобгарлик.

3-мавзу: Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида спорт менежмент ва маркетинги фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасалари бошқарувини ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасалари бошқарувида спорт менежментини жорий этишда халқаро тажрибалар. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида менежер фаолияти ва спорт мусобақаларини ўтказишда спорт менежери фаолиятининг ролини ошириш. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида спорт маркетинги ишларини ташкил қилиш ва унинг функциялари. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида спорт менежерлари орқали спортга ҳомийлар топиш ва уларга бериладиган имтиёзлар. Ўзбекистонда спорт маркетинги ишларини ривожлантириш истиқболлари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот учун мавзу: Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш ва уни молиялаштириш

Ўзбекистонда болалар спортини ташкил этишда меъёрий-ҳуқуқий асослар. Болалар спортини ривожлантириш босқичлари. Болалар спорт объектларини қуриш ва реконструкция ҳолати. Болалар спорт объектларини ҳудудий кўрсаткичлари ва иқтисодий таҳлили. Болалар спорт соҳасидаги таълим муассасаларидаги объектлардан фойдаланиш ҳолати. Болалар спорт объектларини спорт анжомлари ва спорт инвентарлари билан таъминлаш

ҳолати таҳлили. Болалар спорт объектларида штатлар жадвалини шакллантириш тартиби. Штатлар жадвалининг расмийлаштирилиши ва тасдиқланишида жавобгарлик.

2-амалий машғулот учун мавзу: Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида спорт менежмент ва маркетинги фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасалари бошқарувини ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасалари бошқарувида спорт менежментини жорий этишда халқаро тажрибалар. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида менежер фаолияти ва спорт мусобақаларини ўтказишда спорт менежери фаолиятининг ролини ошириш. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида спорт маркетинги ишларини ташкил қилиш ва унинг функциялари. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида спорт менежерлари орқали спортга ҳомийлар топиш ва уларга бериладиган имтиёзлар. Ўзбекистонда спорт маркетинги ишларини ривожлантириш истиқболлари.

3 - амалий машғулот учун мавзу: Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида молиявий маблағлар тушуми, харажатлар сметасини тузиш ва молиявий фаолиятни таҳлил қилиш

Спорт таълими муассасаларини молиялаштиришни бюджетдан ташқари манбалари. Бюджетга қарашли спорт ташкилотнинг йиллик харажатлар сметасининг харажат моддаларининг ҳаққонийлигини асослаш манбалари. Спорт ташкилотлари менежерининг смета ижросини таъминлашдаги ўрни. Смета харажатларининг ортиқча ишлатилган учун жавобгарлик.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида маблағлар тушуми. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида маблағларини ишлатиш. Спорт таълим муассасаси молиявий-хўжалик фаолиятини олиб бориш. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида моддий-техник базасини янгиланиб бориш механизмлари.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

→ ўқув ишини ташкиллаштиришнинг интерфаол шаклларидан:

маъруза, савол-жавобли, суҳбат-маърузалар орқали ташкиллаштириш назарда тутилган.

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Баллар
1	Тест топшириқлари	2.5	2.5 балл

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Тушунчалар таҳлили” методи.

Методнинг мақсади:

мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилди (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Смета		
Бюджет		
Штатлар жадвали		
Менежмент		
Маблағ		

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади:

мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.



Намуна:

Спорт ташкилотининг харажатлар сметасини ҳисоблашда Microsoft Excel дастуридан фойдаланишни афзалликларини ушбу жадвалга тушириб беринг.

S	Харажатлар сметасини ҳисоблашда Microsoft Excel дастуридан фойдаланишни кучли томонлари	
W	Харажатлар сметасини ҳисоблашда Microsoft Excel дастуридан фойдаланишни кучсиз томонлари	
O	Харажатлар сметасини ҳисоблашда Microsoft Excel дастуридан фойдаланишни имкониятлари (ички)	
T	Тўсиқлар (ташқи)	

“Кейс-стади” методи.

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот инфор­мацион таъминоти таъминоти.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибда маълумотларни қабул қилиш ва қайта ишлаш иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли ёки жадвалли шаклда); ✓ ахборотни йиғиш, умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғини белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ёки гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари­ни ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари­ни ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс.

Спорт ташкилоти йиллик мусобақалар тақвим режага асосан, 15-январдан 19-январгача “Халқаро мусобақа” ўтказишни режалаштирган. Мусобақа низомига кўра спортчилар ва мураббийларнинг сарф-харажатлар ўз ҳисобидан тўланиши белгиланган.

Мусобақанинг ташкилий, очилиш ва ёпилиш қисми, совринлар ва бошқа харажатлар учун 45750000 сўмлик смета қилинган. Мусобақа бошланишига 2 кун (шанба якшанба) қолганда молиявий таъминотда ўзилиш яъни молиялаштириш кечикгани аниқ бўлди.

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар.

- Кейсдаги муаммони кетириб чиқарган асосий сабаблари анақланг (индивидуал ва кичик гуруҳда)
- Вазиятни баҳоланг, чиқиш йўлини топинг (кичик гуруҳда).

“ФСМУ” методи

Технологиянинг мақсади:

Мазкур технология иштирокчиларидаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек мастақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Мазкуур технологиядан маъруза машғулотларинда, мустахуамлашда, ўтилган мавзуни сурашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий маўғулотларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки гоч таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф

- Фикрингизни баён этинг
- Фикрингизни баёнга сабаб кўрсатинг

С

- Кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг

М

- Фикрингизни умумлаштиринг

У

Иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ тахлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Жисмоний тарбия ва спорт фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштиришнинг меъерий-ҳуқуқий асослари

Режа:

1.1. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тамойиллари.

1.2. Жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларининг турлари. Спорт таълим муассасаларини молиялаштириш тартиби ва қоидалари.

1.3. Жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларини молиялаштиришда бюджет манбалари ва ундан фойдаланиш қоидалари.

Таянч иборалар: *давлат бюджети, бюджет даромадлари, бюджет харажатлари, давлат бюджети ташкилоти, бюджет ташкилоти харажатлар сметаси, смета, молия, сарф-харажат.*

1.1. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тамойиллари

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётганига қарамасдан, ҳисобот йилида ялпи ички маҳсулот **8 фоиз**, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми **8 фоиз**, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қарийб **7 фоиз**, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми салкам **18 фоизга** ошди. Йиллик бюджет ялпи ички маҳсулотга нисбатан **0,1 фоиз** профицит, билан бажарилди. Инфляция даражаси **5,6 фоизни** ташкил қилди, яъни прогноз кўрсаткичлари доирасида бўлди.

Халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон **2014-2015 йиллардаги** ривожланиш яқунлари ва **2016-2017 йилларда** иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича **дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани** албатта барчамизга мамнуният етказди” деб таъкидлаб ўтганлар.

Ўзбекистонда молиялаштиришдан аввал Давлат бюджетининг тузилиши билиш талаб этилади. Бунинг учун қуйидаги жадвални кўриб чиқиш лозим. Давлат бюджетининг асосий қисми халқ хўжалиги ва ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Тасдиқланган давлат бюджетида кўзда тутилган ҳамма тадбирларнинг ўз вақтида ва тўла молиялаштиришни амалга ошириш молия органларининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Бу вазифани бажариш учун молиялаштириш ва бюджет харажатларининг тайинланиши бўйича амалга ошириш, бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилиш лозим бўлади.



2016 йилга мўлжалланган макроиктисодий кўрсаткичлар


№	Асосий кўрсаткичлар	Ўсиш (фоизда)
1	Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми	7,8
2	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	8,2
3	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш	6,1
4	Капитал қуйилмалар ҳажми	9,6
5	Чакана савдо айланмаси	14
6	Давлат бюджети дефицити/профицити (ЯИМ нисбатан %)	1,0
7	Инфляция даражаси	5,5-6,5

Бюджетдан маблағлар хўжалик юритувчи субъектларга ва бюджет ташкилотларига бюджет бўйича тасдиқланган суммалар доирасидагина берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455 сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарорининг 2-сонли иловасида Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланди.

Мазкур Қарорда Давлат бюджетининг барча даромадлари 66,9 трлн. сумни, шундан Давлат бюджети 40,5 трлн.сўм ва Давлатнинг мақсадли жамғармалари даромадлари 26,4 трлн. сўм миқдорида тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети тузилмаси



2016 молия йили учун давлат бюджетининг харажатлари қисмининг тасдиқланган параметрлари

Давлат бюджетининг барча харажатлари миқдори 68,7 трлн. сумни, шундан Давлат бюджети 42,7 трлн.сўм ва Давлатнинг мақсадли жамғармалари харажатлари 26 трлн. сўм миқдорда тасдиқланди.

2016 йилги Давлат бюджети тақчиллигининг чекланган миқдори ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 1,0 фоиз миқдорида белгиланган.

2016 йил Давлат бюджети харажатлари 42,7 трлн. сўм миқдорда тасдиқланди.

Бу маблағлар давлатнинг устувор мақсад ва вазифаларининг қуйидаги йўналишларини молиявий таъминланишига йўналтирилади:

-бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсия ва нафақалар миқдори инфляция даражасидан юқори бўлган суръатларда ошириш мақсадида Давлат бюджети ва Пенсия жамғармаларидан қўшимча 1,3 трлн.сўм маблағлар ажратилиши режалаштирилди.

1.2. Жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларининг турлари. Спорт таълим муассасаларини молиялаштириш тартиби ва қоидалари

2016 йил Давлат бюджети таркибида ижтимоий харажатларга жами бюджет маблағларининг 59,2 фоизини ёки қарийб 25,3 трлн. сўм йўналтириш режалаштирилди.

Ижтимоий харажатлар таркибида, таълим тизимини молиявий таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, бу мақсадларга қарийб бюджет маблағларининг 14,4 трлн.сўм ёки бюджет жами харажатларининг 33,8 фоизи миқдорида маблағлар ажратилди.

Айрим-айрим тадбирларга сарф қилиниши мўлжалланиб бюджет бўйича тасдиқланган харажатлар суммалари бюджет маблағлари (ажратмалари), деб аталади. Давлат бюджетидан хўжалик юритувчи субъектлар ва бюджет ташкилотларини молиялаштириш ғазначилик муассасалари орқали амалга оширилади.

Давлат бюджетидан молиялаштириш деганда бюджет маблағларини тасарруф қилувчиларга тасдиқланган бюджетда кўзда тутилган харажатларни амалга ошириш учун бюджетдан маблағ бериш тушунилади.

Давлат бюджетининг асосий қисми халқ хўжалиги ва ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади. Тасдиқланган давлат бюджетида кўзда тутилган ҳамма тадбирларнинг ўз вақтида ва тўла молиялаштиришни амалга ошириш молия органларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Бу вазифани бажариш учун молиялаштириш ва бюджет харажатларининг тайинланиши бўйича амалга ошириш, бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилиш лозим бўлади.

Бюджетдан маблағлар хўжалик юритувчи субъектларга ва бюджет ташкилотларига бюджет бўйича тасдиқланган суммалар доирасидагина берилади. Айрим-айрим тадбирларга сарф қилиниши мўлжалланиб бюджет бўйича тасдиқланган харажатлар суммалари бюджет маблағлари (ажратмалари), деб аталади.

Давлат бюджетидан хўжалик юритувчи субъектлар ва бюджет ташкилотларини молиялаштириш банк муассасалари орқали амалга

оширилади. Давлат бюджетидан молиялаштириш деганда бюджет маблағларини тасарруф қилувчиларга тасдиқланган бюджетда кўзда тутилган харажатларни амалга ошириш учун бюджетдан маблағ бериш тушунилади.²

Бюджет харажатлари транзит хусусиятига эга. Бюджет харажатлари орқали бюджетдан маблағ олувчилар – бюджет маблағларини олувчи ёки тақсимловчи ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш ташкилотлари молиялаштирилади. Бюджетда сарф-харажатлар моддалари бўйича бюджет харажатлари белгиланади, харажатларни эса бюджетдан маблағ олувчилар амалга оширадilar.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этишхусусиятига қараб бюджет харажатлари жорий ва капитал бўлади.

Бюджетларнинг **жорий харажатлари** – давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, бюджет ташкилотларининг жорий фаолиятини таъминлаш учун, бошқа бюджетлар ва иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари жорий фаолиятига ажратмалар, дотациялар, субвенциялар васубсидиялар кўринишида давлат томонидан қўллаб-қувватлашни амалга ошириш учун бюджет харажатларининг қисми. Жорий харажатлар бюджет харажатларининг асосий қисмини ташкил этади.

Бюджетларнинг **капитал харажатлари** – инновация ва инвестицияфаолиятини таъминловчи бюджет харажатлари қисми бўлиб, у тасдиқланган инвестиция дастурига биноан фаолият юритаётган ёки янги ташкил этилаётган корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга инвестициялаш учун мўлжалланган харажатларни ўзида мужассамлаштиради.

Бюджет маблағларини сарфлаш қуйидаги **методлар** ёрдамида амалга оширилади:

- бюджетдан молиялаштириш (қайтариб берилмайдиган пул маблағларини бюджетдан тақдим этиш);
- бюджетдан кредитлаштириш □ □ ва маблағларни инвестициялаш;
- маблағларни бюджет қарз □ □ мажбуриятларини қоплашга йўналтириш.

Бюджетдан маблағ олувчиларга ўз жорий фаолиятини амалга ошириш учун бюджет маблағларини тақдим этишнинг асосий методи **бюджетдан молиялаштириш** ҳисобланиб, у қуйидаги **принципларга** асосланади:

бюджет ажратмаларидан □ □ фойдаланишнинг мақсадлилиги. Бюджетдан маблағ олувчилар белгиланган мақсадлар учун тасдиқланган бюджет асосида маблағ оладилар. Ушбу принципга қатъий риоя қилиш маблағларни сарфлашнинг самарадорлигини таъминлайди;

- бюджетдан □ □ молиялаштиришнинг текинлиги;
- □ бюджетдан молиялаштиришнинг □ қайтарилмаслиги;
- □ минимал харажатлар билан максимал самара олиш; □
- □ бюджет □ маблағларини ишлаб чиқариш ва бошқа кўрсаткичларнинг бажариб борилишига қараб ва аввалги ажратмалардан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда тақдим этиш. Бу принцип молия органларига

²Муҳаммадқуб Остонакулов. Бюджет ҳисоби. Дарслик. 2007. 62 бет

бюджет маблағларини олувчилар фаолияти устидан таъсирчан ва самарали назоратни амалга ошириш имкониятини беради.

Бюджетдан молиялаштириш қуйидаги **шаклларда** амалга оширилади:

➤ □ бюджетдан □ маблағ олувчиларнинг жорий харажатларига (ишчиларга меҳнат ҳақини тўлаш, давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига суғурта бадалларини ўтказиш, бюджетдан маблағ олувчилар томонидан коммунал хизматлар, сафар харажатларини тўлаш ва бошқалар), шунингдек ҳукуматнинг бошқа даражаларига ўтказилувчи алоҳида давлат ваколатларини амалга оширишга; давлат харидларига ва бошқаларга ажратмалар;

➤ □ трансфертлар (аҳолига бериладиган мажбурий тўловларни молиялаштириш учун бюджет маблағлари: стипендиялар, нафақалар, компенсациялар, пенсиялар ва бошқа ижтимоий тўловлар);

➤ □ бошқа □ даражадаги бюджетлар ва давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига бюджет ссудалари, субвенцияларива дотациялари.

➤ □ бюджетлараро □ трансфертлар;

➤ □ жисмоний ва □ юридик шахсларга субвенциялар ва субсидиялар;

➤ □ фаолият □ юритаётган ёки янгидан яратилаётган юридик шахсларнинг устав капиталига инвестициялар;

➤ □ мулк шаклидан □ қатъий назар юридик шахсларни бюджетдан кредитлаш;

➤ □ қарз □ мажбуриятларига хизмат кўрсатиш (давлат органларининг кафолатлари билан).

Ўзбекистон Республикасида умумдавлат аҳамиятига молик тадбирларни молиялаштириш Молия вазирлиги томонидан республика бюджети ҳисобидан тасдиқланган параметрлар ва харажатлар рўйхатига биноан амалга оширилади. Республика бюджети **харажатлари** тасдиқланган бюджетдан маблағажратиш доирасида қуйидагича амалга оширилади:³

1) республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағи олувчиларнинг жорий харажатлари шаклида;

2) жорий бюджет трансфертлари шаклида;

3) капитал харажатлар шаклида:

– □ асосий фондлар □ ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар

– ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқаришга;

– □ чет элда давлат □ эҳтиёжлари учун ер ва бошқа мол-мулк олишга;

– □ давлат □ эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олишга;

– □ давлат захираларини вужудга келтиришга;

³“Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 158-И-сон Қонуни, 16-модда.

4) капитал харажатларни қоплаш учун юридик шахсларга бериладиган бюджет трансфертлари шаклида;

5) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларга бюджет дотациялари, бюджет субвенциялари ва бюджет ссудалари шаклида;

6) резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига бериладиган бюджет ссудалари шаклида;

7) давлат мақсадли жамғармаларига бериладиган бюджет дотациялари ва бюджет ссудалари шаклида;

8) давлат қарзини қайтариш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар шаклида;

9) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар шаклида.⁴

2016 йилда таълим соҳасига ажратилган маблағлар доирасида режалаштирилган дастур ва тадбирлар

280 та мактабгача таълим муассасаларида, яъни республиканинг ҳар бир туман ва шаҳарида камида биттадан болалар боғчаси мукамал таъмирланади ва жиҳозланади. Бу мақсадларга давлат бюджетидан 195 млрд.сўм маблағ йўналтирилади.

28 та умумтаълим мактаби янгидан қурилади, 234 таси реконструкция қилинади, 105 таси мукамал таъмирланади ва жиҳозланади. Ушбу мақсадларга 464 млрд. сўм ажратилади. Шунингдек, 55 млн. доллар миқдоридаги чет эл грантлари ҳисобидан умумтаълим мактабларининг 1-4 синфларининг чет тили хоналари 3 800 комплект ва 5-9 синфларининг информатика ва чет тили хоналари 4 500 комплект замонавий мультимедия воситалари билан жиҳозланади. 18 та мусиқа ва санъат мактаблари янгидан қуриш ва реконструкция қилиш учун 43,5 млрд.сўм йўналтирилади.

2016 йилда таълим соҳасига ажратилган маблағлар доирасида режалаштирилган дастур ва тадбирлар

Умумтаълим мактабларини спорт заллари билан босқичма-босқич тўлиқ таъминлаш дастури доирасида 280 та спорт залларини қуриш ва бу мақсадларга бюджетдан 154 млрд. сўм йўналтирилади;

Шунингдек, ҳар бир туманда камида биттадан замонавий, зарур спорт ускуналари ва инвентарлари билан жиҳозланган болалар ва ўсмирлар спорт мактабини ташкил этиш мақсадида 25 та спорт мактаблари тўлиқ модернизация қилинади. Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш учун бюджетдан 80 млрд. сўм ажратилади.

⁴Ўзбекистон Республикаси бюджет тизим Дарслик Т.2010 227-232 бет.

Таълим тизимини молиялашда “Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси”нинг ўрни.

Жамғарма маблағлари ҳисобига академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг **41 таси** реконструкция қилинади ҳамда **79 таси** мукамал таъмирланади, бу мақсадларга бюджетдан **149 млрд. сўм** йўналтириш режалаштирилган. Бунда касб-хунар коллежлари учун **15 та** ўқув ишлаб чиқариш устахоналари янгидан қуриб берилади ва реконструкция қилинади.

Шу билан бирга, уларни жиҳозлаш учун қарийб **102 млрд. сўм** ажратилиб, асосий эътибор касб-хунар коллежларининг **1 200 та** устахоналарини тегишли асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга қаратилади.

Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасининг ўрни

Жамғарма маблағлари ҳисобидан олий ўқув юртларининг ўқув-лаборатория бинолари, талабалар яшаш жойлари, спорт иншоотларини барпо этиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш тадбирларини амалга ошириш мақсадида бюджет ҳисобидан **355 млрд.сўмлик** маблағларни йўналтириш режалаштирилди.

Ушбу маблағлар ҳисобига **26 минг** ўринли ўқув бинолари ва **3 700** ўринли талабалар яшаш жойлари, спорт мажмуалари ҳамда ахборот-ресурс марказларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари бажарилади.

Жумладан, жорий йилда Тошкент давлат стоматология институти учун **1 000** ўринли янги ўқув биносини қуриш, Тошкент давлат техника университетининг **5 300** ўринли, Бухоро давлат университетининг **3 800** ўринли мавжуд ўқув бинолари реконструкция қилиш ҳамда Қорақалпоғистон давлат университети ва Самарқанд давлат университетлари учун янги спорт иншоотларини қуриш ишлари режалаштирилган.

Шу билан бирга, олий ўқув юртларини ўқув лаборатория жиҳозлари ҳамда ахборот-коммуникация воситалари, ўқув бинолари ва талабалар яшаш жойларини мебель ва спорт инвентарлари билан жиҳозлаш учун давлат бюджети ҳисобидан **100 млрд.сўм** ажратилди.

Илм-фан, маданият ва спорт соҳасини молиялаштириш

2016 йилда илм-фанни ривожлантириш харажатлари 2015 йилга нисбатан **1,35 баробар** оширилди ва **332 млрд. сўмга** етказилди. Маданият ва спорт соҳаси харажатлари ҳам 2015 йилга нисбатан **16 фоизга** оширилди ва **449 млрд. сўмни** ташкил этди.

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни молиялаштириш тизими ва молиялаштириш механизми Давлат бюджетидан молиялаштириладиган **бюджет**

ташкilotлари учун **харажатларни молиялаштириш (тўлаш) тартиби асосида** белгиланган:

- бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва аниқ фойдаланиш ҳамда бюджет интизомини мустаҳкамлаш учун бюджет ташкilotлари раҳбарларининг мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш;

- бюджет ташкilotлари харажатларини молиялаштириш (тўлаш) механизмини содалаштириш ва ушбу маблағлардан фойдаланишда юқори натижаларга эришиш мақсадида мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш учун имкониятлар яратиш;

- иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни, иш ҳақиға кўшимчалар, капитал кўйилмалар ва бошқа харажатларни гуруҳлаган ҳолда бир сатрда маблағ билан таъминлаш усулида бюджет ташкilotларини нормативлар бўйича (фаолият туриға кўра) бюджет ташкilotлари харажатларини молиялаштириш (тўлаш)нинг янги тартибини жорий этиш, ғазна ижросиға ўтган, харажатлари моддалар бўйича амалға ошириладиган бюджет ташкilotлари бундан мустасно;

- Давлат□ бюджетидан маблағ олувчиларнинг маблағларни сарфлашлари устидан дастлабки ва жорий назоратни таъминлаш;
- бюджет□ ташкilotлари харажатларини молиялаштириш (тўлаш)ни уларнинг фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш васотиш фаолиятини кенгайтириш билан бирға кўшиб олиб бориш;
- бюджет□ ташкilotлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш ва кадрларнинг ўрнашиб қолиши учун шарт-шароитлар яратиш.

Мустақил равишда **хўжалик ҳисоби фаолиятини юритувчи**, махсус келишиб олинган тадбирлар учун бюджетдан дотация ва маблағлар олувчи вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкilotларни молиялаштириш алоҳидахусусиятға эға.

Бюджетдан маблағолувчиларни Давлат бюджетидан молиялаштириш **иктисодий таснифға** биноан харажатларнинг қуйидаги гуруҳлари бўйича амалға оширилади :

- I. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар
- II. Иш ҳақиға кўшимчалар
- III. Капитал кўйилмалар
- IV. Бошқа харажатлар.


Харажатларини молиялаштириш (тўлаш) бюджет ижроси жараёнида харажатлар рўйхати ва сметасиға киритиладиган ўзгартиришларни ҳисобға олганҳолда тасдиқланган бюджет параметрларига ҳамда бюджет

ташкilotларининг харажатлар сметаларига мувофиқ тузилган бюджет харажатларининг йиллик рўйхатига биноан амалга оширилади.

Бюджет ташкilotлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган бюджетдан маблағ билан таъминлаш нормативлари асосида смета ва штатлар жадвалини мустақил равишда ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар.

Смета – нотижорат фаолиятини амалга оширувчи ташкilotнинг мақсадга йўналтирилганлиги нуқтаи назаридан пул маблағларининг ташкilot топиши ва сарфланиши тўғрисидаги ахборотни ўзида мужассамлаштирувчи молиявий режасидир. Иш ҳақини тўлашга ва жорий фаолиятга харажатлар бюджетдан ажратилганлигини, шунингдек маблағларнинг мақсадлилиги ва чораклар бўйича тақсимоти ҳажмини белгиловчи ҳужжатдир.

Бюджет ташкilotларининг харажатларини гуруҳлашуви



Штатлар жадвали – доимий ишчиларнинг лавозимлари номларининг рўйхати бўлиб, унда бир номдаги лавозимлар ва лавозим бўйича маошларнинг ҳажми қайд этилади, у мулк эгаси, раҳбар ёки юқори орган томонидан тасдиқланади. Штат жадвали корхона, ташкilot ва муассасаларнинг таркибий бўлинмалари штатларини тегишли тоифадаги ишчилар билан тўлдириб олиш ҳуқуқини беради.

Сметалар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан даромадлари ва харажатларининг амалдаги таснифномасига мувофиқ харажатларнинг тўлиқ ёйилмаси илова қилинган ҳолда харажатларнинг тўрт гуруҳи бўйича тузилади ва ҳисобот бериш мақсадида фойдаланилади.

Бюджет ташкilotлари тасдиқланган смета ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ёки ҳудудий молия органларига тақдим этадилар. Тасдиқланган смета ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш, иловаларни келишиш тақдим этилган ҳужжатларнинг тасдиқланган бюджет харажатлари лимитларига ва нормативларига ҳамда бюджет параметрларига мувофиқлиги таҳлили асосида

тегишли молия органларида амалга оширилади. Рўйхатдан ўтказиш мазкур бюджет ташкилоти харажатларини молиялаштириш (тўлаш), бюджет параметрлари тасдиқланган пайтдан бошлаб 40 кундан кечиктирмай молия органлари томонидан амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларининг тасдиқланган харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини, шунингдек амалдаги смета ва штатлар жадвалига киритиладиган ўзгартиришлар улар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида ёки ҳудудий молия органларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга киритилади.

Киритиладиган ўзгартиришлар албатта Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари билан келишилади.

Харажатларнинг I ва II гуруҳларига киритилган бюджет ташкилотлари харажатлари биринчи навбатда молиялаштирилади (тўланади). Бунда харажатларнинг гуруҳига тегишли маблағ ўтказмасдан I гуруҳ харажатларини амалга ошириш тақиқланади.

Ягона ғазна ҳисоб рақамида, шунингдек ҳудудий ғазначилик ҳисоб рақамида биринчи ва иккинчи гуруҳлар бўйича тўланмаган харажатлар суммасидан ортиқ маблағлар мавжуд бўлганда ортиқча сумма миқдоридан учинчи ва тўртинчи гуруҳлар бўйича харажат қилишга рухсат этилади.

Капитал қўйилмаларга ажратмалар (III гуруҳ харажатлари) жорий бюджет йили учун тасдиқланган Республика инвестиция дастурига мувофиқ қурилишларнинг аниқ рўйхатларига мувофиқ ажратилади.

Ғазначилик томонидан хизмат кўрсатиладиган буюртмачилар объектлари қурилишига Давлат бюджетидан назарда тутилган харажатлар Ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг жорий йилга тасдиқланган Инвестиция дастурига ҳамда қурилишларнинг аниқ рўйхатига мувофиқ, буюртмачиларнинг Молия вазирлигининг Ғазначилигида унинг ҳудудий бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган шартномаларга асосан тўланади.

Харажатларнинг I ва II гуруҳларини республика ва маҳаллий бюджетлардан харажатларини молиялаштириш (тўлаш) сметаларга ва бюджет харажатлари рўйхатларига, уларга киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек олдинги ҳисобот даври учун белгиланган баҳолаш кўрсаткичларининг бажарилишига мувофиқ ҳар ойда амалга оширилади.

Капитал қўйилмаларни ва бошқа харажатларни молиялаштириш (тўлаш) бюджетга маблағлар тушишига қараб ҳар ойда амалга оширилади.

Ғазна ижросига ўтмаган бюджет ташкилотлари харажатларини:

– республика бюджетидан маблағ билан таъминлаш (тўлаш) – Ўзбекистон

Республикаси Молия вазирлигида белгиланган шаклдаги мақсадли сертификат(унда бюджет таснифномаси параграфлари ва харажатлар гуруҳларини кўрсатган ҳолда) ва харажатларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича бир сатрда маблағ ўтказиш учун тўлов қоғози билан расмийлаштирилади;

– маҳаллий бюджетлардан маблағ билан таъминлаш (тўлаш) – тегишли молия органларида белгиланган шаклдаги тайинлаш сертификати ва харажатларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича бир сатрда маблағ ўтказиш учун тўлов қоғози билан расмийлаштирилади.

Ғазна ижросига ўтган бюджет маблағи олувчилар бўйича харажатларни тўлаш:

– республика бюджетидан–Ўзбекистон Республикаси Молиявазирлигининг Ғазначилиги ва унинг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўтказилган шартномалар ёки бюджет маблағларини юридик вазисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиш мажбуриятини юклайдиган бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади;

– Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлардан – Молия вазирлиги Ғазначилигининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўтказилган шартномалар ёки бюджет маблағларини юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиш мажбуриятини юклайдиган бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларининг харажатларини молиялаштиришда (тўлашда)янги бюджет йилида маблағ ажратиш режаси бюджет ташкилотларининг ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январидаги ҳолатига кўра товар-моддий бойликларнинг нормативдан ортиқ қолдиғи суммасига камайтиради.

Ўтган йиллар дебиторлик қарзларининг қайтарилган суммаси, асосий воситаларни ва бошқа товар-моддий бойликларни сотишдан тушган сумма (бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига сотиб олинганлари бундан мустасно) тегишли бюджетлар даромадига ўтказилади.

Бюджет маблағлари бюджет ташкилотлари томонидан мустақил равишда, бюджет ижроси жараёнида белгиланган тартибда уларга киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда тасдиқланган харажатлар сметаси доирасида **сарфланади**. Бунда **харажатларнинг I ва II** гуруҳларини молиялаштириш (тўлаш) биринчи навбатда амалга оширилади.

Харажатларнинг **III гуруҳи** бюджет ташкилотлари томонидан Республика инвестиция дастурида жорий молия йили учун белгиланган лимитлар доирасида молиялаштирилади (тўланади).

"Бошқа харажатлар" IV гуруҳи бўйича маблағлар белгиланган лимитлар доирасида қуйидаги навбатга риоя қилган ҳолда сарфланади:

- овқатлантириш;
- дори-дармонлар;
- коммунал хизматлар;
- бошқа харажатлар.

Харажатларнинг у ёки бу гуруҳида пайдо бўлган кредиторлик қарзлар жорий молия йилига белгиланган лимитлар доирасида уларнинг пайдо бўлиши навбатига кўра ҳар қайси гуруҳ бўйича тўланади.

Ҳисобот чорагининг охириги иш куни охирида бюджет ташкилотларининг ҳисоб рақамларида қолган тежаб қолинган бюджет маблағлари (капиталк ўйилмаларни маблағ билан таъминлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно) олиб қўйилмайди, Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади.

Ғазна ижросига ўтган бюджет ташкилотлари бўйича ҳисобот чорагинингохирги иш куни охирида бюджет ташкилотларининг Молия вазирлиги Ғазначилигида ва унинг худудий бўлинмаларида очилган ҳисоб рақамларида қолган тежаб қолинган маблағлар (капитал қўйилмалар бўйича харажатларнитўлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно) олиб қўйилмайди, Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади.

Бюджет маблағлари ҳисобот чорагида тежаб қолинса, ташкилотларни келгуси чоракда маблағ билан таъминлаш ҳажми камайтирилмайди⁵.

Ҳозирги кунга келиб эса ушбу фан “Жисмоний тарбия ва спорт менежменти” фани бўлиб такомиллаштирилди.

Бу фаннинг асосий ҳуқуқий таянчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳисобланади. Унда фуқароларнинг ўз соғлиқларини яхшилаш, билим ва маданий савияларини ошириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари кафолатланган. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуни жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатини юритиш, унга раҳбарлик қилувчи давлат ҳамда жамоат идораларининг вазифалари, бурчлари ва ҳуқуқларини белгилаб берган. Бу жараёнлар фанни ўрганиш ва мутахассислар тайёрлаш фаолиятида муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни барча турдаги ўқув юртларида жисмоний тарбия дарслари, даредан ташқари оммавий соғломлаштириш спорт тадбирларини ташкил қилишга йўл очиб беради. Бу жараёнлар ҳам ташкилотчилик ва бошқарув фаолиятларининг энг муҳим тармоғи сифатида ўз ўрнига эгадир.

1993 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига асосан «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди. Унинг Низомига кўра соғлом авлодни тарбиялаб етиштириш масъулияти мактаб, тарбия муассасалари каби спорт ташкилотлари зиммасига ҳам юкланган. Бу йўлда қилинадиган ишларнинг мазмуни ва раҳбарлик усуллари жисмоний тарбия ва спортни бошқариш фани таркибининг асосларидан бирига айланди.

Мустақиллик, эркин фикр юритиш, адолат ва тенг ҳуқуқлик юртдошларимизга янги бахт-саодат келтирди. Бунда жисмоний маданият ва спорт ҳаракати ҳам ўзининг ҳақли равишдаги миллий мақомига эга бўлди. Республиканинг иқтисодий, сиёсий, маданий ва ижтимоий салоҳиятида жисмоний тарбия ва спорт ҳам ўз ўрни ва мавқеига эгадир. Бунда Президент И.А.Каримов ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги олқишга сазовордир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти мустақилликка эришиш ва унинг истиқболида аҳоли саломатлигининг ўта қимматлилигини ва унга эга бўлиш йўллари катта кўтаринкилик билан изҳор қилиб: "Бизнинг заминимиз полвонлар ва ботирларини меҳр билан тарбиялаб келмоқда.

Бугунги кунда ҳамма жойда спортнинг миллий турлари қайта тикланмоқда... ўзининг саломатлиги ҳақида шахсан ғамхўрлик қилиб бориш

⁵ Сирожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими дарслик Т.: 2010. infoCOM.UZ МЧЖ нашриёти 232-259 б

маданиятини ёшлиқдан, мактаб, маҳалла, соғлиқни сақлаш тизими, жисмоний тарбия ва спортнинг кўмагида сингдириш керак", - деб ҳақли равишда таъкидлаган.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг 1991-йил 31-августдаги Фармонида асосан, мустақил Республика деб расмий равишда эълон қилинди. Мустақиллик, эркин фикр юритиш, адолат ва тенг ҳуқуқлик юртдошларимизга янги бахт-саодат келтирди. Бунда жисмоний маданият ва спорт ҳаракати ҳам ўзининг ҳақли равишдаги миллий мақомига эга бўлди. Республиканинг иқтисодий, сиёсий, маданий ва ижтимоий салоҳиятида жисмоний тарбия ва спорт ҳам ўз ўрни ва мавқеига эгадир. Бунда биринчи Президент И.А.Каримов ва ҳукуватимизнинг ғамхўрлиги олқишга сазовордир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти мустақилликка эришиш ва унинг истиқболда аҳоли саломатлигининг ўта қимматлигини ва унга эга бўлиш йўллари катта кўтаринкилик билан изҳор қилиб: "Бизнинг заминимиз полвонлар ва ботирларини меҳр билан тарбиялаб келмоқда. Бугунги кунда ҳамма жойда спортнинг миллий турлари қайта тикланмоқда... ўзининг саломатлиги ҳақида шахсан ғамхўрлик қилиб бориш маданиятини ёшлиқдан, мактаб, маҳалла, соғлиқни сақлаш тизими, жисмоний тарбия ва спортнинг кўмагида сингдириш керак", - деб ҳақли равишда таъкидлаган.

1.3. Жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларини молиялаштиришда бюджет манбалари ва ундан фойдаланиш қоидалари

Ўзбекистонда жисмоний маданият ва спортни янада ривожлантиришга асос бўлувчи энг муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг яққол намунаси Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонуни (1992 йил 14 январ) барча аҳолининг соғлигини мустаҳкамлаш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларига шарт-шароитлар яратиб беришни кафиликка олади. Бу Қонун 2000 йил 26 майда ва 2015 йил 4 сентябр янги тахрирда қайта қабул қилинди⁶.

Қонунда: Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, жисмоний тарбия-спорт жамоат бирлашмаларини тузиш, жисмоний тарбия-спорт ҳаракатини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар деб алоҳида такидланган.

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
- ҳар кимнинг жисмоний тарбия ва спорт билан эркин шуғулланишга бўлган ҳуқуқини таъминлаш;
- жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат ҳамда жамоат бошқарувини уйғунлаштириш;
- фуқароларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ҳуқуқларининг давлат кафолатларини белгилаш;

⁶ Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 5 сентябрдаги 174 (6357)-сонидан эълон қилинган.

– жисмоний тарбия ва спорт соҳасида камситишга ҳамда зўравонликка йўл қўймаслик;

– жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи шахсларнинг, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари иштирокчилари ҳамда томошабинларининг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш;

– спортнинг барча турлари ва таркибий қисмларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

– ногиронлар ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахслар, шунингдек юқори даражада ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли гуруҳлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга кўмаклашиш;

– Ўзбекистоннинг миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини ривожлантириш ҳамда оммалаштириш учун шарт-шароитлар яратиш;

– фуқароларни жисмоний тарбиялашнинг узлуксизлиги ва давомийлигини таъминлаш;

– халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.⁷

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

– инсонпарварлик;

– демократизм;

– фуқаролар жисмоний тарбиясининг узлуксизлиги ва давомийлиги;

– жисмоний тарбия ва спорт тизимида давлат ва жамоат бошқарувининг уйғунлиги⁸.

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

-жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

-ҳар кимнинг жисмоний тарбия ва спорт билан эркин шуғулланишга бўлган ҳуқуқини таъминлаш;

-жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат ҳамда жамоат бошқарувини уйғунлаштириш;

-фуқароларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ҳуқуқларининг давлат кафолатларини белгилаш;

-жисмоний тарбия ва спорт соҳасида камситишга ҳамда зўравонликка йўл қўймаслик;

-жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи шахсларнинг, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари иштирокчилари ҳамда томошабинларининг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш;

-спортнинг барча турлари ва таркибий қисмларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

-ногиронлар ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахслар, шунингдек юқори даражада ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли гуруҳлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга кўмаклашиш;

⁷ 4-модда Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 37-38-сон, 27-модда.

-Ўзбекистоннинг миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини ривожлантириш ҳамда оммалаштириш учун шарт-шароитлар яратиш;
-фуқароларни жисмоний тарбиялашнинг узлуксизлиги ва давомийлигини таъминлаш;
-халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

16-модда. Жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги якка тартибдаги тадбиркорлик.

Фаолиятнинг асосий тури сифатида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс ёки бошқа юридик шахснинг таркибий бўлинмаси жисмоний тарбия-спорт ташкилотидир.

Якка тартибдаги тадбиркорлар жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолиятни амалга ошириши мумкин. Жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолиятни амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар аҳолининг турли гуруҳлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича ишларни ташкил қилишда иштирок этади, спортчиларни ва спорт мусобақаларида ҳамда ўқув-машқ тадбирларида иштирок этувчи бошқа мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг соғлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш учун шарт-шароитлар яратади, спортчилар ва тренерларга машғулотлар учун зарур шарт-шароитларни таъминлайди, шунингдек ушбу мутахассисларга спорт натижаларига эришиши учун бошқача тарзда кўмаклашади.

41-модда. Жисмоний тарбия ва спортни молиялаштириш

Жисмоний тарбия ва спортни молиялаштириш қуйидагилар ҳисобидан амалга оширилади:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари; тадбиркорлик фаолияти ва бошқа хўжалик фаолиятдан тушадиган даромадлар;
 - аҳолига пуллик жисмоний тарбия-спорт ва соғломлаштириш хизматлари кўрсатишдан тушадиган маблағлар;
 - юридик ва жисмоний шахсларнинг беғараз ёрдами;
 - жисмоний тарбия-спорт жамоат бирлашмалари иштирокчиларининг аъзолик бадаллари;
 - спорт турлари бўйича махсус жамғармаларнинг маблағлари;
 - спорт рамзлари, тимсолларидан фойдаланганлик учун корхоналар ва ташкилотларнинг ажратмалари;
 - чет эл инвестициялари маблағлари;
 - халқаро ташкилотлардан келадиган тушумлар;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

43-модда. Спорт жиҳози, анжومي ва спорт кийим-боши. Спорт жиҳози, анжومي ва спорт кийим-боши халқаро ва (ёки) давлат стандартлари, нормалари ҳамда талабларига мувофиқ бўлиши керак.

44-модда. Жисмоний тарбия ва спортнинг илмий-услубий ҳамда техник таъминоти. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ҳамда ўтказишни таълим муассасалари ва таркибида илмий марказлар ташкил этиладиган бошқа ташкилотлар, илмий-тадқиқот институтлари, белгиланган тартибда ташкил этилган ҳамда ўз фаолиятини

давлат буюртмалари ва бошқа буюртмалар асосида олиб борадиган лабораториялар амалга оширади.

Таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар жисмоний тарбия воситалари билан аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган аниқ дастурларни ишлаб чиқади ҳамда амалиётга жорий этади, спорт захираларини ва Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларини халқаро спорт тадбирларига тайёрлашни илмий жиҳатдан таъминлашни такомиллаштиради. Махсус ваколатли давлат органи, бошқа давлат органлари ҳамда ташкилотлари таълим муассасалари ва ташкилотларига жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда, шунингдек долзарб илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмалари ҳамда бошқа буюртмаларни шакллантиришда кўмаклашади, илмий-тадқиқот ишларининг яқунларини таҳлил қилади ва уларнинг фаолиятига ёрдам кўрсатади.

Назорат саволлари

1. Давлат бюджети қандай шакллантирилади?
2. Давлат бюджети қандай мақсадларга ишлатилади?
3. Жисмоний тарбия ва спортда молиявий таъминот нимани англатади?
4. Харажатлар сметаси қандай ҳужжат ва ким томонидан тузилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси доирасида хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 29 августда 1268-сон билан рўйхатга олинган).
2. (FINANCING PUBLIC UNIVERSITIES the Case of Performance Funding by Zurich, Switzerland MARCEL HERBST page 1).
3. «Бюджет ҳисоби» фани бўйича таълим технологияси (Биринчи китоб). – Т.: ТДИУ, 2006.
4. Остонақулов М. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. –Т.: 2005.
6. Бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобидаги охирги ўзгаришлар. –Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007.
5. Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими дарслик Т:2010. infoCOM.UZ МЧЖ нашриёти
6. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги сайти).

2-мавзу: Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш ва уни молиялаштириш

Режа:

1. Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш чора-тадбирлари.
2. Болалар спорт жамғармасини ташкил этиш масалалари.
3. Жисмоний тарбия ва спортни молиялаштириш ҳамда спорт ишларини ташкил этишнинг меъёрий ва ҳуқуқий асослари.
4. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан қурилган иншоотларини молиялаштирилган маблағлар таҳлили.

Таянч иборалар: *болалар спорти, болалар спорт жамғармаси, молиялаштириш, спорти мактабларини жиҳозлаш.*

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим ва самарали омили бўлган жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2015 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан болалар спорти иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича манзилли дастурни амалга ошириш доирасида умумий қиймати 225 миллиард сўмдан ортиқ 35 та намунавий спорт объекти, 12 та сузиш ҳавзаси, 174 та мактаб спорт заллари фойдаланишга топширилди.

2015 йилда Ўзбекистон спортчилари жаҳон, Осиё чемпионатлари ва бошқа халқаро турнирларда 860 дан ортиқ медални қўлга киритишга эришдилар. Шунинг 311 таси олтин, 274 таси кумуш ва 276 таси бронза медалларидир.


Спортчиларимиз, айниқса, енгил атлетика, бадий гимнастика, бокс, кураш, дзюдо, таэквондо, от спорти бўйича муваффақиятли иштирок этишмоқда.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантиришнинг, соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббатни сингдиришнинг фоят муҳим шарти сифатида болалар оммавий спортини ривожлантиришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002-йил 24-октябрдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги ПФ-3154-сонли Фармони қабул қилинган. Ушбу Фармонга асосан Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг асосий вазифалари белгилаб берилган.



Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2003-2015 йилларда қурилиб фойдаланишга топширилган болалар спорт иншоотлари, мусиқа ва санъат мактаблари ва сузиш хавзаларининг ТАҲЛИЛИ

Янги спорт иншоотлар қурилиши сони - 1480 та
(шундан: 299 та – ТИП, 1181 та – спорт зал)
Мавжуд спорт иншоотлар реконструкцияси сони - 328 та
Мавжуд спорт иншоотлар кап.таъмири сони - 18 та
Мусиқа ва санъат мактаблари сони – 283 та
Сузиш хавзалари сони – 96 та
Жами – 2205 та иншоот



2.

Ўзбекистон Республикасида Олий таълим тизимини тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, “Олий таълим тўғрисида”ги Низом.⁹


Олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш олий таълим муассасалари (университетлар, академиялар, институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасалари) да ўрта махсус, касб-ҳунар маълумоти асосида амалга оширилади.

⁹Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2003 йил 9 февралдаги 9-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2003 йил 22 февралда 1222-сон билан рўйхатдан ўтказилган.



Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2015 йилларда қурилиши, реконструкция қилиниши ва капитал таъмирланиши режалаштирилган болалар спорт иншоотлари мактабларининг ТАҲЛИЛИ

Янги спорт иншоотлар қурилиши сони - 184 та
 (шундан: 10 та – ТИП, 174 та – спорт зал)
 Мавжуд спорт иншоотлар реконструкцияси сони - 30 та
 Мавжуд спорт иншоотлар кап.таъмири сони - 7 та
 Мусиқа ва санъат мактаблари сони – 5 та
 Жами – 226 та иншоот



2.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан қурилган иншоотларини молиялаштирилган маблағлар таҳлили



Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2003-2015 йй. мобайнида қурилган иншоотларнинг Молиялаштирилган маблағлар тўғрисида МАЪЛУМОТ

Йиллар	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
Млрд. сўм	1,0	16,6	21,7	22,7	22,2	32,3	40,6	94,6	147,2	175,0	210,4	225,9	239,4

Чет эл адабиётларида Спорт таълим муассасалари учун молия муҳим роль ўйнайди. Спорт ташкилотларни юритиш учун албатта маблағ керак, шунинг учун ҳам харажатлар ва даромадларни тўғри тақсимлаш, бюджетни тўғри юритиш керак. Ушбу мавзунинг мақсади спорт ташкилотининг молиясини ҳисоб-китоб қилишни бошқаришда иложи борича осонлаштириш, ва спорт ташкилотини молиялаштириш манбалари, бюджетлаш ва ҳисоб-китоб тўғрисида сўз юритилади.

Ташкилотлар ўзлари учун кўпроқ пул топиш учун аниқ бир манбаларни белгилаб олиши керак. Ушбу манбаларга пул йиғиш ва тижорат хомийлик топиш учун махсус тадбирлар ўтказилиши керак.



Адлия вазирлигида 2015 йил 9 февраль куни 2039-1-сон билан рўйхатга олинган “Болалар спорт иншоотлари, умумтаълим мактаблари ҳамда коллеж ва академик лицейларнинг спорт залларини спорт анжомлари ва ускуналари билан таъминлаш” меъёрлари


№	ТИПлар	Жихозлар тури
1	1-ТИП Болалар спорт иншоотининг жихозлаш меъёри	40 турдаги
2	2-ТИП Болалар спорт иншоотининг жихозлаш меъёри	101 турдаги
3	3-ТИП Болалар спорт иншоотининг жихозлаш меъёри	112 турдаги
4	4-ТИП Болалар спорт иншоотининг жихозлаш меъёри	112 турдаги
5	5-ТИП Болалар спорт иншоотининг жихозлаш меъёри	50 турдаги
6	Реконструкция қилинган болалар спорт иншоотининг жихозлаш меъёри	37 турдаги
7	Умумтаълим мактабларининг спортзалларини жихозлаш меъёрлари 9x18, 12x24, 18x30	34 турдаги

Манбаларни йиғиш учун ўтказиладиган махсус тадбирлар бошқа тадбирлардан шундай фарқланадики, бу ерда одамлар учун махсус товар ёки хизматларни кўрсатиб, инсонлар эса улар учун пул тўлашга тайёр бўлади.

Олий таълим бу хизмат кўрсатиш соҳасидир. Бошқа соҳалар каби у ресурсларни товарларга, яъни хизматларга айлантиради (масалан инглиз тили, махсус тайёрлов курслари, масофавий ўқитиш).



Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2004-2015 йилларда қуриб фойдаланишга топширилган спорт иншоотларини спорт анжомлари ва ускуналари билан жихозланганлиги тўғрисида
МАЪЛУМОТ




Йиллар	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
Спорт иншоотлари сони	45	328	164	172	199	207	97	151	104	113	115	221
Млн.сўм	537,0	4351,8	2344,7	2575,0	2800,0	3100,0	3200,0	3345,1	2337,2	3964,3	4089,1	6276,5

Агарда улар хизматларини очик бозорда таклиф қилса, улар харажатларни қоплаган нархларда сотади ва фойда кўради. Лекин олий таълим

муассасалари кўп ҳолларда очиқ бозорга чиқмай, ўзларини хизматларини харажатларини қопланмайдиган нархларда тақлиф этади¹⁰.



**Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан
2004-2015 йилларда спорт иншоотлари ҳамда умумтаълим
мактаб спорт залларини манзилли дастури асосида спорт анжомлари ва
ускуналари билан қайта жиҳозлаш тўғрисида
МАЪЛУМОТ**



Йиллар	2004-2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
Спорт иншоотлари сони	198	156	169	183	183	71	3228	3690	4612	4881	6776
Млн,сўм	2374,5	1442,9	116,1	722,5	576,4	236,5	8559,5	11479,0	9153,4	16878,1	18478,6

Изоҳ: Қайта жиҳозлаш дастури Вазирлар Маҳкамасининг 31.01.2012й № 21-сон қарорига асосан амалга оширилади.

1. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2016 йилда жами 243 та болалар спортини иншоотлари, умумтаълим мактаб спорт заллари ва сузиш ҳавзалари куриб фойдаланишга топширилади мазкур спорт иншоотларига 6,5 млрд. сўмлик спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозлаш режалаштирилган.

¹⁰(FINANCING PUBLIC UNIVERSITIES the Case of Performance Funding by Zurich, Switzerland MARCEL HERBST page 1).



2015 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан умумтаълим ва болалар спорти мактабларини жиҳозлаш тўғрисида маълумот

Т/р	Худудлар номи	Жами		2015 йилда жиҳозлаш					
		Иншоотлар сони	сумма	Жами		Спорт иншоотлари		Умумтаълим мактаблари	
				Иншоотлар сони	сумма	Иншоотлар сони	сумма	Иншоотлар сони	сумма
1	Қорақалпоғистон Республикаси	480	1 739	6	201	1	104	5	97
2	Андижон вилояти	377	1 216	13	364	4	181	9	183
3	Бухоро вилояти	330	1 778	5	197	3	157	2	40
4	Жиззах вилояти	520	1 215	12	321	2	129	10	193
5	Қашқадарё вилояти	629	1 976	25	695	4	257	21	438
6	Навоий вилояти	323	1 131	6	157	2	76	4	81
7	Наманган вилояти	662	1 988	15	434	4	213	11	221
8	Самарқанд вилояти	1 144	3 527	45	1 190	5	416	40	774
9	Сурхондарё вилояти	496	2 027	39	969	5	269	34	700
10	Сирдарё вилояти	191	789	3	105	1	64	2	40
11	Тошкент вилояти	787	2 578	19	689	5	402	14	286
12	Фарғона вилояти	447	2 107	22	666	7	371	15	295
13	Хоразм вилояти	313	1 436	7	179	2	78	5	101
14	Тошкент шаҳар	298	1 242	4	104	2	71	2	33
Всего		6 997	24 755,1	221	6 276,5	47	2 787,4	174	3 489,1

2. Шу билан бирга болалар спорти иншоотлари, умумтаълим мактаб спорт заллари ва сузиш ҳавзалари қайта жиҳозлаш дастури доирасида болалар 20,6 млрд. сўмлик спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозлаш режалаштирилган.



2015 йилда Болалар спорти иншоотларининг бандлиги даражаси тўғрисида МАЪЛУМОТ

Т/р	Худудлар номи	Жами объектлар	Жами спорт секциялар сони	2015 йил		Иншоотдан қувлик ўртгача фойдаланиш (соатда)
				Бир кунда шуғулланувчилар сони		
				мез-ёр бўйича	амалда	
1	Қорақалпоғистон Республикаси	136	3 400	19 924	24 908	10,0
2	Андижон вилояти	149	13 188	20 340	25 325	10,0
3	Бухоро вилояти	96	4 115	19 400	24 007	9,9
4	Жиззах вилояти	120	6 116	20 380	25 095	9,9
5	Қашқадарё вилояти	194	3 771	21 940	27 840	10,2
6	Навоий вилояти	89	2 426	19 824	24 670	10,0
7	Наманган вилояти	162	7 231	20 720	26 300	10,2
8	Самарқанд вилояти	218	17 659	24 612	30 920	10,1
9	Сурхондарё вилояти	163	11 397	23 784	29 585	10,0
10	Сирдарё вилояти	87	1 578	19 138	23 810	10,0
11	Тошкент вилояти	150	3 674	21 472	26 975	10,1
12	Фарғона вилояти	161	18 278	21 684	27 785	10,3
13	Хоразм вилояти	108	4 293	19 578	24 360	10,0
14	Тошкент шаҳри	89	2 596	19 280	25 190	10,5
Жами:		1 922	99 722	292 076	366 770	10,0

3. Ҳар йили яроқлилик муддати 1 йилгача бўлган қуйидаги 5 турдаги спорт анжомлари ва ускуналари билан барча умумтаълим мактабларини таъминланиши режалаштирилган.

- Футбол тўпи –2 тадан 6 тагача (мактабнинг ўқувчи сонига қараб) ;
- Баскетбол тўпи–1 тадан 4 тагача;
- Волейбол тўпи–1 тадан 4 тагача;
- Гандбол тўпи– 1 тадан 2 тагача;

➤ Стол тенниси учун шариклар –10 тадан 40 тагача.

4. Спорт заллари мавжуд бўлмаган умумтаълим мактабларини юқорида номлари келтирилган спорт анжомлари ва ускуналари қатори талабномадан келиб чиққан ҳолда қуйидаги спорт анжомлари билан тامينлаш режалаштирилган.

шахмат, шахмат соати, шашка, гимнастика гардишлари, гимнастика таёғи, секундомер, насос, теннис столи (ракетка ва теннис столи учун тўр билан), аптечка.

2015-йилда Жамғарма маблағлари ҳисобидан 24 та давлатдан ортик мамлакатда (Россия, Грузия, Италия, Хитой, Латвия, Франция, Португалия, Колумбия, Сингапур, Қозоғистон, Босния ва Герцоговина, Индонезия, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Болгария, Япония, Мўғилистон, Германия, Греция, Малайзия, Чехия, Корея ва Таиланд) бўлиб ўтган **53** та халқаро спорт мусобақаларида спортнинг 27 турида (футбол, академик, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, енгил атлетика, эркин ва юнон-рум кураши, бокс, таэквондо WTF, бадий гимнастика, спорт акробатикаси, трамполин, спорт гимнастика, бадминтон, ушу, шотокан каратэ-до, шахмат, шашка, баскетбол, гандбол, велоспорт, кураш, дзюдо, армрестлинг, Ўзбек жанг санъати, қўл жанги, сув полоси ва сузиш) **479** нафар (166 нафари қизлар) ўқувчи-ёшлар иштирок этиб жами **314** та медаль (**140** та олтин, **83** та кумуш, **91** та бронза) қўлга киритишди (ўтган 2014 йилга нисбатан олтин медаллар сони 14 тага кўпайган).

5. Яроқлилик муддати 1 йилдан ортик бўлган спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозлаш Вазирлар Маҳкамасининг **2012 йил 31 январдаги 21-сонли қарорига** биноан ҳудудий ҳокимликларнинг талабномасига асосан манзилли дастур шакллантирилади шу билан бирга ушбу спорт анжомлари ва ускуналаридан самарали фойдаланиш ҳамда унинг сифатли сақланишига шахсий жавобгарлик умумтаълим ва болалар спорти иншоотларининг раҳбарларига юклатилган.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантиришнинг, соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббатни сингдиришнинг ғоят муҳим шарти сифатида болалар оммавий спортини ривожлантиришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002-йил 24-октябрдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги ПФ-3154-сонли Фармони қабул қилинган. Ушбу Фармонга асосан Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг асосий вазифалари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов 2014-йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг ялпи мажлисида қуйидагиларни таъкидлаб ўтган: «...жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш аҳолимиз, аввало, ёш авлодимизнинг соғлигини мустахкамлашда

мухим ўрин тутишини инобатга олиб, бу соҳага алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Бу борада спорт иншоотларини ҳар томонлама ривожлантириш ва уларни замонавий анжом, ускуна ва жихозлар билан таъминлаш учун барча зарур шароитлар яратилмоқда.



**2015 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан халқаро мусобақаларда иштирок этган мактаб ўқувчилари тўғрисида ҳудудлар бўйича
МАЪЛУМОТ**

Т/р	Худудлар номи	2015 йилда					
		Қатнашчилар		Қўлга киритилган медаллар			
		Жами	шу жумладан, кизлар	Жами	шундан:		
			1-ўрин	2-ўрин	3-ўрин		
1	Қорақалпоғистон Республикаси	17	8	8	2	1	5
2	Андижон вилояти	30	8	11	6	1	4
3	Бухоро вилояти	35	10	30	11	9	10
4	Жиззах вилояти	25	5	17	11	4	2
5	Қашқадарё вилояти	21	8	11	5	1	5
6	Навоий вилояти	21	1	9	2	3	4
7	Наманган вилояти	15	8	11	6	3	2
8	Самарқанд вилояти	40	16	20	8	4	8
9	Сурхондарё вилояти	25	8	19	11	1	7
10	Сирдарё вилояти	15	5	4	3		1
11	Тошкент вилояти	45	24	39	15	11	13
12	Фарғона вилояти	20	5	12	4	2	6
13	Хоразм вилояти	13	5	7	1	4	2
14	Тошкент шаҳри	157	55	116	55	39	22
Жами:		479	166	314	140	83	91

2014-йил мобайнида фақат Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан 18 та намунавий спорт объекти ва 73 та мактаб спорт заллари барпо этилди, 24 та объектда қарийб 100 миллиард сўмлик реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилганини кайд этиш лозим. Бугунги кунда Ўзбекистонда 2 миллионга яқин фарзандларимиз, шу жумладан, 840 мингдан ортиқ қиз болалар спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда»

Юқоридаги вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумот учун: Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг манзилли дастурларига асосан ўтган **2003-2015** йиллар мобайнида жами **2 205 та** булардан **1 181 та** умумтаълим мактабларидаги спорт залларини қурилиши, **299 та** намунавий спорт мажмуаларини қурилиши, **328 та** мавжуд спорт иншоотларини реконструкция қилиш, **18 та** мавжуд спорт иншоотларини капитал таъмирлаш ишлари, **283 та** болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда **96 та** сузиш ҳавзалари қурилиб фойдаланишга топширилган.

Биргина 2015 йилнинг ўзида **221 та** спорт иншоотлари (10 таси янги ТИП спорт иншооти, **174 таси** мактаблардаги спорт заллари, **37 та** мавжуд иншоотлар капитал таъмирлаш ва реконструкция) қилиниб, фойдаланишга топширилган (ушбу мақсадлар учун жами **239,4 млрд.** сўм маблағ йўналтирилган).

Шунингдек, 2004-2013 йилларда фойдаланишга топширилган болалар спорт иншоотлари, мактаб спорт заллари ва сузиш хавзаларини қайта жиҳозлаш учун **86 турдаги** спорт анжом ва ускуналари билан таъминланган. Бугунги кунда спорт иншоотларини жиҳозлашда **120** номдаги спорт жиҳозларидан **119** таси Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмоқда (2003 йилда **73** номдагиси ишлаб чиқарилган). Спорт жиҳозларини ишлаб чиқарувчи корхоналар сони **123** та (2003 йилда **32** та бўлган).

Ўтган 2005-2015 йиллар давомида жами **487** та халқаро спорт тадбирларида жамғарма маблағлари ҳисобидан **5369 нафар** ўқувчи-ёшлар иштирок этган (шундан 1955 нафари қизлар). Ушбу халқаро мусобақаларда иштирок этган спортчи-ёшлар томонидан жами **1 886 та** медални қўлга киритилган (шулардан, **716 та** олтин, **534 та** кумуш ва **636 та** бронза.)

Худудга тегишли бўлган ҳар бир болалар спорти иншоотларини яқинда қабул қилинган Президентимизнинг қарорига асосан (2015 йил 11 декабрь № 356-сон) такомиллаштириш ва ҳатловдан ўтказиш ишлари яқунлаш ҳамда унинг расмий фаолиятини жорий йилнинг 10 мартига қадар бошлаш учун ҳокимликларнинг тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб тасдиқлаб, унинг ижросини бандма-банд назоратга олиш.

Болалар спорти иншоотларида спорт тадбирларини ўтказиш ҳамда унда иштирок этиш учун режа асосида маҳаллий ҳокимликлар томонидан зарур маблағлар ажратилишини таъминлаш;

болалар спорти иншоотларидан самарали фойдаланиш мақсадида ўтказиладиган спорт мусобақаларини туман (шаҳар) Маҳалла, Нуроний жамғармалари, Хотин-қизлар кўмитаси, “Камолот” ЁИХ, ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан биргаликда қўшма қарорлар қабул қилиниши ҳамда шу асосида юқори савияда ўтказилишини назоратга олиш.

Спорт иншоотлари самарали фаолият кўрсатиши учун иншоот инфратузилмасини назоратга олиш (иссиқ ва совуқ сув, электр энергия доимий ишлаб туриши учун);

ҳар бир туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан ўз худудида болалар спортини ривожлантириш борасида худуд шароитидан келиб чиққан ҳолда алоҳида йиллик дастурини ишлаб чиқиб тасдиқлаш;

ҳар ой якуни билан мазкур дастурнинг бажарилиши юзасидан туман (шаҳар) ҳокимликларида мутассади раҳбарлар иштирокида муҳокама қилиш;

болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида спорт секцияларининг тўлиқ ишлашини назоратга олиш;

амалга оширилган ишлар бўйича жорий йилнинг ярим йиллиги ва йил якуни билан батафсил мутасадди раҳбарларининг бу борадаги ахборотини эшитиш.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари учун ишлаб чиқилган махсус “Спорт атамалари инглизча – ўзбекча – русча” ва “ўзбекча-русча-инглизча” луғатларидан қай даражада самарали фойдаланилаётганликларини назоратга олиш.

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт миллий моделининг ўзига хос хусусиятлари - унинг маънавий мазмунини мантиғини ўзбек халқига тегишли бўлган ўзига хос менталитети, халқнинг илмга бўлган хурмати, юқори ахлоқи, халқнинг жисмоний ва маънавий ривожланишга ҳамоҳанглиги, ҳиммати, меҳроқибати, меҳмондўстлиги, киришимлилиги ва ҳамдўстлиги ташкил этади. Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт моделининг маънавий мазмуни, мамлакатнинг маънавий уйғониш концепциясига мувофиқ келади¹¹.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохатлар, ёш авлод саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш, таълим жараёнини барча қисмларида таълим йуналишида соғломлаштириш дастурларни таъминлаб борилишига катта этибор қаратилмоқда. Шу боис таълим муассасаларида асосан болалик ва ўсмирлик давридан жисмоний тарбия ва спортга пойдевор қўйилган.

Миллий генофонднинг шаклланишида, соғлом турмуш тарзини тўғри ташкил этишда ва ёш авлодни соғлом тарбия қилишда жисмоний тарбия ва спорт манавий ва мафкуравий восита сифатида қўлланилади. Биз бугун демократик аждодлар мероси, миллий кадриятлар асосида, ўзимизнинг турмуш тарзимиз талабларидан келиб чиққан ҳолда барпо этишга ҳаракат қилмоқдамиз. Ана шу ҳаракатлар негизида соғлом инсон турипти.

Жисмоний тарбия ва спорт орқали соғлом инсонни шакллантириш бутун бир жамиятнинг вазифаси бўлмоғи керак. Хар бир инсон, оила, ота -она жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни одат даражасига чиқариши билан бирга, кадрият сифатида эъзозлаши жамиятнинг узлуксиз равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишига олиб келади. "Мухтасар айтганда, спорт мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашнинг энг муҳим воситаси бўлиб келмоқда ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолиши муқаррар. Чунки - спорт соғлом авлод, соғлом келажак дегани. Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади".

2015-йилдан бошлаб, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда ўсмир ва ёшлар терма жамоаларини халқаро ўқув-машғулот йиғинлари ва халқаро спорт мусобақаларида иштирокини таъминлаш мақсадида спорт табдирлари тақвим режасини келишган ҳолда тасдиқлаш жорий этилди. Унга асосан 2015-йилда ўқувчи ёшлар ўртасида спорт турлари бўйича

¹¹ И.А. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. 2008 й.

дунёнинг турли мамлакатларида ўтказиладиган халқаро спорт мусобақаларига уларнинг иштироки таъминланди.

Жумладан, 2015-йилда Жамғарма маблағлари ҳисобидан 24 та давлатдан ортиқ мамлакатда (Россия, Грузия, Италия, Хитой, Латвия, Франция, Португалия, Колумбия, Сингапур, Қозоғистон, Босния ва Герцоговина, Индонезия, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Болгария, Япония, Мўғилистон, Германия, Греция, Малайзия, Чехия, Корея ва Таиланд) бўлиб ўтган **53** та халқаро спорт мусобақаларида спортнинг 27 турида (футбол, академик, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, енгил атлетика, эркин ва юнон-рум кураши, бокс, таэквондо WTF, бадий гимнастика, спорт акробатикаси, трамполин, спорт гимнастика, бадминтон, ушу, шотокан каратэ-до, шахмат, шашка, баскетбол, гандбол, велоспорт, кураш, дзюдо, армрестлинг, Ўзбек жанг санъати, кўл жанги, сув полоси ва сузиш) **479** нафар (166 нафари қизлар) ўқувчи-ёшлар иштирок этиб жами **314** та медаль (**140** та олтин, **83** та кумуш, **91** та бронза) қўлга киритишди (ўтган 2014 йилга нисбатан олтин медаллар сони 14 тага кўпайган).

Олий маҳорат спорт мактабларини ташкил этиш ва уларни такомиллаштириш. Муҳтарам юртбошимиз ташаббуси билан ёшларни ҳаваскорлик (оммавий спорт)дан - олий маҳоратли спортчи бўлиб этишиши учун аниқ тизим яратилди. Айнан буни яқиндагина қабул қилинган қарорид¹² кўриш мумкин. Ушбу қарор мамлакатимизда Ўзбекистон шарафини жаҳон спорт майдонлари— Олимпия ва Осиё ўйинларида, жаҳон ва Осиё чемпионатларида, бошқа халқаро мусобақаларда муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган халқаро даражадаги спортчиларни тайёрлаш бўйича самарали тизимни яратиш, бунинг учун халқаро стандартларга жавоб берадиган, замонавий спорт ускуналари билан жиҳозланган ўқув-машғулот базаларини шакллантириш, спортчиларни тайёрлаш жараёнига энг янги илмий-методик технологияларни эгаллаган юқори малакали мураббий-ўқитувчи кадрларни кенг жалб қилиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Юқоридаги қарорга мувофиқ 2016 – 2020 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 14 та олий маҳорат спорт мактабларини ташкил этиш белгиланган.

Олий маҳорат спорт мактаблари фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар:

– зарур спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозланган, замонавий халқаро талаблар ва стандартларга жавоб берадиган моддий-техник ҳамда ўқув-машғулот базаларини яратиш ва турли даражадаги халқаро мусобақаларда – жаҳон ва Осиё чемпионатлари, Олимпия ва Осиё ўйинлари, Универсиадалар ҳамда бошқа халқаро ва минтақавий мусобақаларда Ўзбекистоннинг шарафини

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 23 ноябрдаги ПҚ-2438-сонли.

муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган халқаро даражадаги спортчиларни тайёрлашда ушбу базалардан самарали фойдаланиш;

– халқаро даражадаги спортчиларни тайёрлаш учун юқори малакали мутахассисларни – мураббийлар, психологлар ва услубчиларни, шу жумладан хорижий давлатлардан етакчи мутахассисларни кенг жалб этиш орқали олий маҳорат спорт мактаблари мураббий-ўқитувчилари таркибини мустаҳкамлаш;

1-жадвал

2016–2020 йилларда ташкил этиладиган олий маҳорат спорт мактаблари РЎЙХАТИ

№ п/п	Олий маҳорат спорт мактаблари номи	Ихтисослаштирилган спорт тури	Янги қуриш ва реконструкция қилиш муддати
1.	Нукус олий маҳорат спорт мактаби	Спорткурашлари (эркин кураш, юнон-рум кураши ва аёллар кураши)	2018-2019 йиллар
2.	Андижон олий маҳорат спорт мактаби	Бокс	2016-2017 йиллар
3.	Бухоро олий маҳорат спорт мактаби	Гимнастика (бадий гимнастика, спорт гимнастикаси ва трамполин)	2017-2018 йиллар
4.	Жиззах олий маҳорат спорт мактаби	Бокс	2018-2019 йиллар
5.	Қарши олий маҳорат спорт мактаби	Дзюдо	2017-2018 йиллар
6.	Навоий олий маҳорат спорт мактаби	Сув спорт турлари	2018-2019 йиллар
7.	Наманган олий маҳорат спорт мактаби	Велоспорт (шоссе, трек)	2018 – 2020 йиллар
8.	Самарқанд олий маҳорат спорт мактаби	Енгил атлетика	2016-2017 йиллар
9.	Термиз олий маҳорат спорт мактаби	Спортнинг яккакураш турлари	2019-2020 йиллар
10.	Гулистон олий маҳорат спорт мактаби	Теннис, стол тенниси	2017-2018 йиллар
11.	Тошкент вилояти олий маҳорат спорт мактаби	Спорт ўқ отиш (Ўқ отиш ва стенддан ўқ отиш)	2017 – 2019 йиллар
12.	Фарғона олий маҳорат спорт мактаби	Таэквондо WTF	2019-2020 йиллар
13.	Урганч олий маҳорат спорт мактаби	Оғир атлетика	2019-2020 йиллар
14.	Тошкент шаҳар олий маҳорат спорт мактаби	Спорт ўйинлари	2016 – 2018 йиллар

– спортчиларнинг ўқув-машғулот жараёнини халқаро стандартлар даражасида ташкил этиш, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, ўқув-машғулот жараёнларига энг янги илмий-услубий технологияларни жорий этиш йўли билан уларни назарий ва техник-тактик жиҳатдан тайёрлаш сифатини мунтазам ошириб бориш;

– ёш истиқболли спортчиларни танлаб олиш ва тарбиялаш масалалари бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия захиралари коллежлари билан узлуксиз ҳамкорликни амалга ошириш, уларга ўқув-услубий ҳамда меъёрий-ахборот ёрдами кўрсатишни таъминлаш;

– олий маҳорат спорт мактаблари базасида миллий терма жамоалар ва уларнинг захиралари иштирокида ўқув-машқ йиғинлари, республика ва минтақавий спорт беллашувларини ташкил этиш ва мунтазам равишда ўтказиб бориш, мураббийлар ҳамда спортчиларнинг касб маҳорати даражасини ошириш учун тажриба алмашиш мақсадида хорижий спорт мактаблари, клублари ва марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

Болалар спорти объектларини барпо этиш, жойлаштириш ва уларнинг фаолиятида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, болалар-ўсмирлар спорт мактабларидан фойдаланиш даражасини ва улар фаолияти самарадорлигини янада оширишга доир таклифларни ишлаб чиқиш, уларни бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш, истиқболли ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, болаларни спорт билан мунтазам равишда шуғулланишга жалб этишни кенгайтириш мақсадида 2015 йил 11 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 356-сонли қарор имзоланди.

Мазкур қарорда:

– республика минтақаларига чиқиб танлаб текширишлар асосида болалар-ўсмирлар спорт мактаблари фаолияти самарадорлигини танқидий ўрганиш, спорт объектларидан фойдаланиш самарадорлигига, улардан фойдаланиш даражасига, моддий-техника базанинг ҳолатига, спорт анжомлари ва ускуналари, ўқув-методик қўлланмалар ва машқ бажариладиган кўргазмали материал билан жиҳозланганлиги даражасига, касбий тайёрланган тренер-ўқитувчилар таркиби билан таъминланганлигига алоҳида эътиборни қаратиш;

– амалга оширилган таҳлил асосида болалар-ўсмирлар спорт мактаблари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш, болалар спорти объектларидан амалда фойдаланишни ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда уларни мақбул ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича аниқ таклифлар киритиш топширилган.

Шунингдек, амалга оширилган ишларнинг натижалари тўғрисида Ўзбекистон Болалар спортининг ривожлантириш жамғармасининг Ҳомийлик кенгаши мажлисида ахборот бериш белгиланган.

Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари самарали фаолият кўрсатиши, улардан ўқувчиларнинг тўлиқ фойдаланишини таъминлаш ҳамда улар моддий-техник база ва тренер-ўқитувчилар таркиби билан таъминланганлиги, ўқув-машқ

жараёнининг сифати устидан назорат қилиниши, спорт машғулоти мунтазам ўтказилиши ва ўқувчилар катнови даражаси мониторингини тизимли асосда олиб бориш учун шахсий масъулият Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлигига юкланган.

Бундан ташқари қуйидагилар:

– мослаштирилган биноларда жойлаштирилган **280 та** болалар-ўсмирлар спорт мактабларини ва ихтисослаштирилган Олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабларини тугатишни, уларнинг мол-мулки, спорт анжомлари ва тренер кадрларини ташкил этиладиган болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг моддий-техника ва ўқув базасини мустаҳкамлашга йўналтириш;

– намунавий болалар спорт иншоотлари негизида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимида **225 та** болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ташкил этилиши;

– тўртта йўналиш – **спортнинг ўйин турлари: енгил атлетика, спортнинг сув турлари, спорт якка кураши ва гимнастика** бўйича Қорақалпоғистон Республикасида, ҳар бир вилоятда ва Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида **56 та** ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ташкил этилишини назарда тутувчи республикада ишлаб турган болалар спорти объектларини мақбуллаштириш қабул қилинган.

Шуниндек, болалар ва ёшларнинг спорт билан оммавий равишда шуғулланиши уларнинг характерини тоблайди, кучли, мард ва жасур бўлиб камол топишга хизмат қилади, қатъиятли, ҳаёт синовлари ва қийинчиликларини мардона енгиб ўтишга тайёр, матонатли инсонлар этиб тарбиялайди. Спорт билан мунтазам шуғулланиш фарзандларимизнинг феъл-атвори ва турмуш тарзини ижобий томонга ўзгартиради. Айнан бундай омиллар, яъни жисмоний тарбия ва спортнинг инсон камолотига хизмат қилиши жисмоний тарбия ва спортнинг маънавий асосларни ташкил қилади.

Бугунги кунда, Ўзбекистон болалар спорти жаҳон спорт майдонларида юртимиз шон-шухратини жаҳон ҳамжамияти олдида тараннум этиб келмоқда. Таъкидлаб ўтиш керакки, айнан Ўзбекистон терма жамоаларига эътиборни кучайтирилиши, яъни уларга алоҳида дастур яратиш ёки мавжуд дастурларни такомиллаштириш орқали бевосита спортчиларга машғулот ҳажми ва шиддатининг меъёрланиши ва табақаланиши ажратилаётган эътиборни назоратга олиш ўз ижобий натижасини беради:

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва болалар спорти соҳасидаги яна бир муаммони ечимига назар ташласак, ҳозирда спорт турларини маълум турларигина халқимиз эътиборида ривожланиб бормоқда.

Демак, бир спорт тури инсонга жисмонан соғлом бўлиши учун ўзининг маълум томонлари билан ёрдам берса, яъни қайсидир хислатни шакллантиришга ижобий таъсир қилса, бевосита бошқа спорт турлари ҳам шунга кўра ўзининг яхши томонларини таъсир эттира олади. Жисмоний тарбия ва болалар спорти соҳасини биринчи навбатдаги вазифаси соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўлса, иккинчидан, бевосита бошқа спорт турларини ҳам жорий этиш, спорт мажмуаларида ундан самарали фойдаланишни йўлга қўйишдир.



1-расм. Спорт билан шуғулланувчилар учун машғулотлар ҳажми, шиддатнинг меъёрланиши ва рақобатланиши

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, Республикамизда йилдан-йилга спорт иншоотлари нафақат сон жиҳатидан балки сифат жиҳатидан ҳам такомилланиб кундан-кунга ошиб бормоқда. Айнан болалар спортини ривожлантириш масаласига тўхталадиган бўлсак, бугунги кунда асосан ёш авлод саломатлигини таъминлаш, ўсиб келаётган ёшларни жисмоний нуқсонлар, болаларда кўп учрайдиган сурункали касалликларнинг олдини олиш мақсадида

мунтазам жисмоний тарбия ва спорт машқлари билан шуғулланиш чораларини кўриш зарурлиги исбот талаб қилмайди.

Шу билан бир қаторда, жисмоний тарбия ва болалар спорти соҳасида болаларга қаратилаётган эътибордан яна бир мақсад - ёш авлодда етук инсоний хислатларни тарбиялаш билан бирга, уларни айнан спорт йўналишида ҳам мусобақалаш ишларига, турли бахсларда ўзларини синашларига ва келажакда ижобий натижаларга эриша оладиган спортчи шахсни шакллантиришдан иборат.

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва болалар спорти соҳасида олиб борилаётган кенг қўламли соғломлаштириш ишлари туфайли бугунги кунда соғлом ёш авлодни тарбиялашда юқори кўрсаткичларга эгамиз. Бевосита жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги муаммолардан бири бўлган болалардаги сурункали касалликларга чалиниш ҳолатларини олдини олишда спортни жорий этиш орқали унинг ечими топилган ва уни ривожлантириш, такомиллаштириш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва болалар спорти соҳасида соғлом турмуш тарзида спортни жорий қилиш орқали бугунги куннинг натижалари юқори, албатта. Спорт кўпдан-кўп касалликларга чалинишнинг олдини олади, эртамик эгаларини ҳар томонлама соғлом ва бакуват бўлиб улғайишига хизмат қилади. Сўнги ўн йил давомида ўтказилган таҳлиллар мамлакатимизда ўқувчи ёшларнинг антропометрик (вазн, бўй, оғирлик) кўрсаткичлари ижобий томонга ўзгараётгани, халқаро стандартлар билан тобора уйғунликда тенглашиб бораётганини кўрсатмоқда. Буларнинг барчаси бевосита жисмоний тарбия ва болалар спорти соҳасини ривожлантиришда давлат сиёсати даражасида улкан эътибор қаратилаётганининг махсулидир. Айтиш керакки, инсонларда касалликнинг бошланғич даври аниқланганда, беморга ҳар қандай муолажадан кўра, жисмоний тарбия машқлари билан шуғулланиш даволашда энг самарали усул ҳисобланади.

Жамиятда жисмоний маданият ривожланганлигининг асосий кўрсаткичи бу - инсонларнинг саломатлиги ва жисмоний ривожланганлиги даражаси, жисмоний маданиятнинг таълим ва тарбия, ишлаб чиқариш ва маиший соҳаларда, бўш вақтни тўғри ташкиллаштириш жараёнида қанчалик муҳим ўрин тутишидир. Инсон фаолиятида жисмоний тарбиянинг амалий натижаси сифатида, кишининг жисмоний тайёргарлиги ва ҳаракат билим ва кўникмаларининг баркамоллик даражаси, юксак ҳаётий кучга эгаллиги, спорт соҳасида эришган ютуқлари, ақлий ривожланганлиги ҳисобланади.

Жисмоний тарбия-соғломлаштириш, оммавий-спорт ишларини ва спортнинг миллий турларини ривожлантириш соҳасидаги асосий вазифалар қуйидагилар ҳисобланади: болаларнинг жисмоний қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган жисмоний тарбия бўйича, уларнинг гавдаси,

жуссасини нормал ривожлантириш бўйича кундалик машғулотларни барча болалар мактабгача муассасаларида жорий қилиш. Болалар мактабгача муассасаларида болаларни жисмоний тарбиялаш бўйича мутахассислар штатини жорий қилиш; жисмоний тарбияга доир ўқув дастурлари бўйича мажбурий дарс (машғулот)ларни ҳар ҳафтада 4-6 соатгача етказиш.

Ўқув жараёнига олимпия таълимини, миллий ўйинлар ва мусобақаларни жорий этиш; ўқувчилар ва талабаларнинг умумжисмоний тайёргарлигини махсус тестлар бўйича текширишнинг умуммиллий ҳафтасини жорий қилиш, махсус тестларни муваффақиятли топширганлик учун халқ достони қаҳрамонлари шарафига «Алпомиш» ва «Барчиной» деб номланган уч даражали кўкрак нишонларини таъсис этиш.

Талабаларнинг «Талаба» спорт уюшмасини ташкил қилиш; янгидан ташкил этилган коллежлар ва лицейларда маънавий ва жисмоний ривожланган ёшларни тарбиялашда жисмоний тарбия ва спорт омилларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш; «Коллеж спорти» ҳаракатини ташкил этиш, уни ёшларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб қилишнинг асосий манбаига айлантириш; соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда хотин-қизларни ҳомиладорлик даврида жисмоний тарбиялаш давлат дастурини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ҳамма жойда хотин-қизлар спорт-соғломлаштириш клублари очиш; аҳолининг меҳнат самарадорлигини ошириш ва меҳнат қилиш фаоллигини узайтириш мақсадида жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларини меҳнат тартибига жорий қилиш ва бўш вақтларда оммавий жисмоний тарбия-спорт ишларини ташкил этиш орқали ишлаб чиқаришда жисмоний тарбияни ривожлантириш, ишлаб чиқариш корхоналари амалиётига соғлом турмуш тарзини ҳамда жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишни моддий рағбатлантириш чора-тадбирларини жорий этиш;



Жисмоний тарбия ва унинг турлари

Жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, касалликларнинг олдини олиш, аҳоли кенг қатламларини, айниқса ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этиш;¹³

Жисмоний тарбия - бу саломатликни мустаҳкамлаш ва жисмоний имкониятларни ривожлантиришга қаратилган инсон фаолияти. Жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиш организм камолотга етишишини таъминлайди ва тана саломатлигини узоқ йиллар сақлайди. Жисмоний маданият инсоният умумий маданиятининг бир қисми бўлиб, ўзида инсон ақлий ва жисмоний ривожланиши учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни бирлаштиради. Жисмоний тарбия бир неча элементларидан иборат (3-расм).

Жисмоний маданият соғлом турмуш тарзи меёрлари билан бирга инсон саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш саволларига жавоб топади. Жисмоний тарбия жисмоний ривожланишни таъминлаш билан бирга инсоннинг деярли барча ҳаётий фаолиятларига, жумладан, инсоннинг руҳий сифатлари, ўз устида ишлаш, жамиятга мослашувчанлик, атроф-муҳитнинг стрессларига

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида» 1998 йил 10 ноябрдаги [Фармони](#)ни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарори.

мослашувчанлик, соғлом турмуш тарзини таъминлаш, бутун умри давомида инсон соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлашга таъсир қилади.

Жамиятда жисмоний маданиятнинг ҳолати кўрсаткичлари бўлиб ҳисобланади:

1. Унинг кенг ривожланганлиги;
2. Соғлиқ ва жисмоний хусусиятларнинг ҳар томонлама ривожланиш даражаси;
3. Спортдаги ютуқлар даражаси;
4. Профессional ва ижтимоий жисмоний тарбия кадрларининг борлиги ва малака даражаси;
5. Таълим ва тарбия соҳасида жисмоний маданиятнинг воситаларидан фойдаланиш даражаси
6. Жисмоний маданият ва спортни тарғибот қилиш;
7. Жисмоний маданиятни олдида турган масалалар соҳасида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш даражаси ва ўзига хослиги.


Жисмоний маданият соғлом турмуш тарзи нормалари билан биргаликда инсон саломатлиғини сақлаш ва мустаҳкамлашнинг амалий муаммоларини ечишга хизмат қилади.

Жисмоний ривожланишга, организм имкониятларини кенгайтиришга ва оширишга хизмат қилиш билан бир вақтда жисмоний маданият инсон шахсиятининг маънавий-ахлоқий сифатларини ривожлантиради, ҳар томонлама ривожланишга қизиқишини орттиради, ижтимоий фаолигини оширади, атроф-муҳитнинг турли стресс омилларини тўғри қабул қилишга ёрдам беради, соғлом турмуш тарзига доимий риоя қилиш одатларини шакллантиради, инсоннинг бутун ҳаёти давомида саломатлиғини сақлайди ва мустаҳкамлайди.

Иқтисодий ривожланган давлатларда охириги 100 йилда инсон фойдаланадиган мушак ишининг асосий қисми деярли 200 марта камайди. Оқибатда соғломлаштирувчи ва профилактик таъсири таъминловчи меҳнат интенсивлиги чегаравий қийматдан 3 марттага камайди. Шунинг учун ҳозирги кунда ҳар бир инсон кўшимча равишда кун мобайнида 350-500 ккал энергия сарфига эга меҳнат билан шуғулланиши керак.

Маълумки, жисмоний машқлар инсон соғлиғига ва жисмоний ҳолатига фойдали таъсир кўрсатади. Авваламбор, бу машғулотлар оғир хасталиклар ривожланиш хавфини камайтиради, юрак қон томир ва нафас олиш тизими фаолиятини яхшилади, мушак массасини ва чидамликни оширади, эластикликни ривожлантиради, организмдаги ёғлар миқдорини камайтиради. Узоқ муддатли таъсир кўрсатиш билан бир вақтда жисмоний машқларнинг кучли қисқа муддатли таъсирига ҳам диққатимизни қаратиш зарур. Артериал қон босимини доимий бир меъёрда тутиб туриш билан бирга ҳар бир жисмоний

машқдан сўнг қон босимининг кўшимча камайиши кузатилган. Алоҳида жисмоний машқлар кайфиятни кўтариш сингари ижобий психологик таъсир ҳам кўрсатади. Шундай қилиб, сиз жисмоний машқлар билан шуғулланиб зарарли одатлардан халос бўлишга эришасиз.



Ҳаракат фаоллиги пирамидаси

Олдинга қўйилган мақсад ва жисмоний фаолликка қараб жисмоний машқларни танлаш мақсадга мувофиқдир. Инсон кун тартибини бироз ўзгартирган ҳолда ҳар куни бадан тарбия билан шуғулланиш керак. Камҳаракат инсонлар машқларни енгилроқдан бошлаши керак, масалан кунига 30 дақиқа ўртача интенсивликдаги машқлар билан шуғулланиш. Ҳавода бажариладиган жисмоний машқлар билан жисмонан фаол инсонлар тайёргалиklarини янада оширишлари мумкин.

Жисмоний фаоллик инсон ҳаётининг ажралмас қисмига айланиши учун нима қилиш керак?

Авваламбор, жисмоний фаолликни халқ саломатлигини сақлаш ва уни янада орттириш учун мактабларда, жамоат жойларида, давлат муассасаларида спорт билан, масалан, фитнес билан шуғулланишга шароит яратиш лозим. Ушбу

шароитлар бугунги кунда бизни давлатимизда кенг тармоқда яратилиб келган. Жисмоний тарбия билан шуғулланувчилар сони йилдан йилга кўпайиб келмоқда.

Қизлар ва аёлларни охириги йилларда спортга қизиқиши ва уларни саломатлигини мустаҳкамланишини алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Мунтазам спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланиш аёллар ва бўлажак оналар - қизлар учун муҳим аҳамиятга эга. Барча вилоят ва туманларда бадиий гимнастика, стол тенниси ва бадминтон спорт секциялари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Олимпия ҳаракатида аёлларнинг иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида Миллий Олимпия Қўмитаси қошида "Аёл ва спорт" комиссияси тузилди. Аёллар ўртасида республика, вилоят, туман босқичларида кўплаб мусобақалар ташкил қилинмоқда.

Амалга оширилаётган ишларнинг натижалари яққол кўзга ташланмоқда. Бугунги кунга келиб мамлакатимиз бўйлаб шаҳар ва қишлоқларда яшовчи 2,9 миллиондан ортиқ аёллар жисмоний тарбия ва спорт билан актив шуғулланмоқдалар. Охириги йилларда Хотин-қизлар қўмитаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш фонди билан ҳамкорликда аёлларни оммавий спортга жалб қилиш ишларига бағишланган 12 дан ортиқ халқаро семинарлар ташкил қилинди. Ҳар йили ўтказилаётган мусобақаларда республикамиз бўйича 1,2 миллиондан ортиқ аёллар иштирок этмоқдалар. Бундан ташқари, ўтган йили мактаб, лицей ва коллежлар ўртасида "Отам, онам ва мен - спортчилар оиласи" номли остида уч босқичли спартакиада, аёл хизматчилар ўртасида "спорт - саломатлик гарови" ва ОЎЮ талабалари ўртасида "Спорт - соғлом турмуш тарзи" ҳамда "Соғлом аёл-соғлом она" спорт марафонлари ўтказилди.

Шундай қилиб, мамлакатимизда аёллар саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва шакллантиришга қаратилаган ишлар Хотин-қизлар қўмитасининг фаол иштирокида барча йўналишларда кенг миқёсда олиб борилмоқда. Бу давлатимиз раҳбарининг халқ саломатлигига, энг аввало ватанимиз келажаги бўлган аёллар ва болалар саломатлигини сақлашга ғамхўрлиги натижасида амалга оширилаётган ишларнинг яққол намунасидир.

Ёш қизларимизни ва аёлларни спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланаётган жараёнида репродуктив саломатлигини ўрганиш ва назорат қилиш, бунда умумий ва жисмоний ривожланишига, саломатлигини мустаҳкамлашда тиббиёт мутахассислар ва муррабийлар биргаликда юкламаларни мейёрини ва индивидуал ҳолда натижаларни кузатиб келиши керак.

Спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланувчи аҳолини саломатлигини спорт тиббиёти ва бошқа тиббиёт мутахассисларни ёрдамида назорат қилиниб

келади. Бунда асосан организмни жавоб реакцияларни, адаптация жарёнларни ва умумий таъсири ўрганиб тавиялар берилади. Давлат томонидан бир неча фармонлар ва фармойишлар тузилган ва улар асосида иш борилмоқда.

Яна бир бора такрорлаш зарур, Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт турлари ривожланишига қаратилган кенг қамровли дастурга асосан ҳар бир фуқаро ёшига, жинсига қараб спорт билан шуғулланишга ҳақлидир ва унга имкон яратилган. Аҳоли саломатлигини юқори даражага етказиб уни шу даражада сақлаб туриш давлатнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Инсон ўз саломатлиги учун керакли жисмоний ҳаракатда бўлмаса, бу вазифани тўлиқ бажариш мумкин бўлмай қолади. Саломатлик йўлида асосий вазифалардан бири – бевақт ўлим ва турли хил касалликлардан сақланишдир. Бу мақсадга эришиш атрофдаги муҳит, инсон саломатлигини ҳолати ва наслдан ўтадиган омилларга боғлиқ. Доимий жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, тўғри ва меъёрида овқатланиш, яхши уйқу, дам олиш, чекишдан, алкоголь ичимликлар ичишдан ҳамда ортиқча дори-дармон истеъмол қилишдан сақланиш - инсон саломат бўлишига етказадиган мақсадлардир.

Соғлом, билимдон, зукко ва фарзандлари кўп бўлган халқ, албатта, ўзини буюк келажагини барпо этади.

Соғлом турмуш тарзининг асосий элементлардан бири жисмоний фаоллик, жисмоний тарбия ва спорт энг муҳим ва самарали эканлигини исбот қилишга ҳожат йўқ. Чунки спорт, жисмоний тарбия билан шахс ўз ўзига соғлом турмуш тарзининг барча элементларига амал қила бошлайди. Жумладан, у соғлом овқатланади, зарарли одатдан чекланади, меҳнат ва дам олиш тартибини тўғри ташкил этади, нафақат жисмонан, балки рухий тетик, осойишта, соғлом бўлади. Жисмоний тарбия ва спорт инсон саломатлигини сақлаш, мустаҳкамлаш ва яхшиланишида хизмат қилиб, у жамиятимиз аъзоси бўлмиш ёшларни маънавий бой, баркамол шахс сифатида вояга етишига бебаҳо ўрин эгаллайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси доирасида хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 29 августда 1268-сон билан рўйхатга олинган).

2. (FINANCING PUBLIC UNIVERSITIES the Case of Performance Funding by Zurich, Switzerland MARCEL HERBST page 1).

3. «Бюджет ҳисоби» фани бўйича таълим технологияси (Биринчи китоб). – Т.: ТДИУ, 2006.

4. Остонакулов М. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. –Т.: 2005.

6. Бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобидаги охириги ўзгаришлар. –Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007.

5. Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими дарслик Т:2010. infoCOM.UZ МЧЖ нашриёти

6. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги сайти).

3-мавзу: Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида спорт менежмент ва маркетинги фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш

Режа:

1. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасалари бошқарувида спорт менежментини жорий этишда халқаро тажрибалар.

2. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида менежер фаолияти ва спорт мусобақаларини ўтказишда спорт менежери фаолиятининг ролини ошириш.

3. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида спорт маркетинги ишларини ташкил қилиш ва унинг функциялари.

4. Ўзбекистонда спорт маркетинги ишларини ривожлантириш истиқболлари.

Спорт менежменти фаолиятида асосан қуйидаги тамойиллар ва вазифалар(функциялар) амалга оширилади:

1. Амалий натижаларнинг сўнги ютуғига қаратилиши;

2. Узоқ муддат давомида натижаларга эришишга қаратиш;

3. Бозор мувозанатлари талабларига стратегик ватактик жихатдан мослашишда ўзаро ҳамкорлик ва алоқадорликни ошириш.

Менежменти анъанавий функциялари (вазифалари):

1. Атроф-муҳит ва бозор тадқиқотининг таҳлили.

2. Талабгорларни таҳлил қилиш

3. Махсулотларни режалаштириш

4. Бор махсулотларни таҳлиллаш

5. Харакатларни юритишни режалаш

6. Нарх-навони режалаштириш

7. Ижтимоий маъсулият, уни бошқаришни таъминлаш в.х.к.

Менежмент фаолияти доираси?

■ Тижорат ташкилотлари

□ Катта бизнеслар

■ Индустиал корхоналар, тижорат банклари, суғурта фирмалари, савдо марказлари, спорт фирмалари, транспорт фирмалари, қайта ишлаш, алоқа фирмалари, хизмат ташкилотлари

□ Кичик ва старт-ап бизнеслар

□ Халқаро менежмент

■ Нотижорат ташкилотлар


□ Давлат ташкилотлари - маҳаллий, давлат идоралари

□ Таълим муассасалари – давлат ва хусусий мактаблар, коллежлар, ва олийгохлар,

□ Тиббиёт муассасалари - касалхоналар

□ Расмий ва норасмий доиралар – ижтимоий гуруҳлар


Менежмент нима?



8

Қайд этилган мақсадлар ва вазифаларни Ўзбекистонда амалга оширалаётган бозор иқтисодиёти мунособатлари, тижорат ва тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятига қиёслаш, уларни мухит шароитига қараб таҳлил қилиш ҳамда қўллаш йўлларини ўрганиш зарур бўлади. Шулар асосида футбол, кураш, теннис, шарқона якка курашлар ҳамда бошқа спорт турлари бўйича спорт клублари, командаларда менежмент фаолиятларини шаклантириш зарур бўлади бунда албатта, телерадио, матбуот ва спорт иншоотларида реклама усулларида кенг фойдаланишга тўғри келади.

Менежмент жараёни?



9

Чет мамлакатларида фаолият кўрсатаётган спорт менежментида спорт моллари товарлар, хизмат қилиш, ташкилотлар, шахслар, хуудлар ва ғоялар каби турларга бўлинади. Маълумки уларнинг негизида ишлаб чиқарилган спорт жихозлари, буюмлари асбоб ускуналар ҳамда уларни бозор талаблари асосида

ўтказиш тушунчалари ётади. Шунингдек, ишлаб чиқариш, ўтказиш ва улар билан боғлиқ бўлган хизматлар ҳам эътиборда бўлади.

Спорт ташкилотида соҳалараро менежер турлари?



10

Спорт менежменти фаолиятини юриштида алоқадор харидор ташкилотлар, жамиятлар, шахслар билан ишлаш, айниқса, спорт молларига эҳтиёж сезган худудлар билан ишлаш аввалдан кўйилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда кўл келади. Шунингдек эътироф этиш керакки, спорт моолларни ишлаб чиқариш индустрияси энг муҳим аҳамият касб этади маълумотларга караганда 1988 йилда Японияда ишлаб чиқарилган товарлар бозорда 1596 млрд. Иен билан баҳоланган. Уларнинг тахмин қилишича 2000 йилда бу рақам 3970 млрд. иенни ташкил қилиши лозим эди.

Спорт ташкилот ресурслари турлари?






10

Спортчиларни озиқ-овқат билан бошқа масалалари спорт менежментини муҳим тармоғи сифатида мавжуд. Турли хил йирик спорт мусобақаларини

ташкил қилишда аввало қатнашчилар учун озиқ овқат турли туман ичимликлар сонини кўпайтириш менежмент фаолиятининг асосий вазифаси ҳисобланади шу ўринда Германия мисолида баъзи бир далилларни келтириш мақсадга мувофиқдир. Аниқ бозорнинг спортчилар озуқасида 4,6 миллион спортчи иштирок этади.

Минтзбергнинг менежер вазифалари?

Категория	Вазифа	Мисол
Шахслараро 	<i>Намуна</i>	Янги очилажак корхонани очилиш маросимида лента кесиш
	<i>Етакчи</i>	Ходимларни рағбатлантириш орқали унумдорликни ошириш
	<i>Алоқачи</i>	Турли хил лойиха ходимларини йўналтириш
Информационал 	<i>Кузатувчи</i>	Индустрия янгиликларидан хабардор туриш
	<i>Тарқатувчи</i>	Ташкилотнинг янги вазифаларини мемолар орқали етказиш
	<i>Нотиқ</i>	Ривожланиш режаси ҳақида нутқ сўзлаш
Қарор бериш 	<i>Тадбиркор</i>	Янги инновацион фикрларни ривожлантириш
	<i>Ҳакам</i>	Ходимлар ўртасидаги келишмовчиликни ечиш
	<i>Ресурсларни бошқариш</i>	Бюджет талабларини ишлаб чиқиш ва текшириш

13

Уларнинг тахминича, бозор нархи 1990-1995 йилда 20%, спортчилар ичимлигининг ҳажми 40%, яъни улар 1995 йилда 120 миллион маркани ташкил этган экан.

Спорт ташкилотида соҳалараро менежер турлари?



10

Спортда тижорат ва тижорат бўлмаган менежмент мажуд. Буни куйидаги жавдалда кўриш мумкин.

Тижорат йўли билан	Тижоратсиз йўл билан
<ul style="list-style-type: none"> – Спорт буюмлари, ражалаш, хизмат, шахслар, хуудлар ва гоюлар алоқадорлик – Спорт буюмлариниг хажми, хизмат, даромадлар. – Талабгорлик маблагги (спорт буюмлари харид қилиш, абонементар, мусобақаларда чипта ва в.х.қ) – Ахоли эхтиёжи асосида даромадлар олиш (буюмлар мусобақаси) – Спорт ишқибозлари мавжудлиги 	<ul style="list-style-type: none"> – Давлат ва жамоат спорт ташкилотлари, хуудлари, гоюлар хамда бепул хизмат қилиш орқали. – Молиявий харажат белгиланмаган (ахолининг саломлатлигини кўтариш в.х.қ) – Дотациялар (давлат, хомийлар в.х.қ) – Иқтисодий жихатдан фойдасиз фаолятилар (ёшлар, ногиронлар в.х.қ) – Спорт ишқибозлари ва хомийларнинг мавжудлиги

Барча масалалар оммавий маълумотларга таянади, ўз ўрнида спорт томошабинларининг қизиқишини оширади. Спорт клублари ва спорт лигалари брендга эриши учун ўзлари ҳақидаги маълумотларни тўғридан-тўғри трансляция қилиб борадилар, ўз ерларида турли спорт тадбирлари орқали катта ўринларни эгаллай бошлайдилар¹⁴.

Менежер малакалари?



13

Спорт менежменти жисмоний тарбия ва спорт харакатининг кўпгина тармоқларида махсус фаолят сифатида хизмат қилади. Халқаро спорт тараққиётида, айниқса қитъалар, мамлакатнинг йирик мусобақаларида бу кўпроқ учрайди. Яъни, спорт уюшмалари ассосациялари ўртасида командаларни етук спортчилар билан таъминлаш, уларнинг талаб ва эхтиёжи қондириш,

¹⁴ Sport funding and finance. Bob Stewart. USA 2007. ISBN – 10: 0750681608, 9 page

спортчилар билан шартнома (контракт) тузиш каби фаолиятлар жараёнида хилма хил усуллар мулоқотлар, муносабатлар, келушувчилик каби фаолият мавжуд бўлади. Шу ўринда қуйидига ҳолатни келтириш мумкин, спорт ассосициаси мухитда менежментнинг мажмуий хусусиятлари мавжуд.

Спорт уюшмаси фаолияти турлари	Ўзаро алоқадорлик турлари	Харидорлар
Мусобақалашув спорти	Машғулот, асбоб ускуналар, молиявий таъминот. Натижалар машхурлик.	Юқори малакали спортчилар
Кўнгилахушлик учун спорт	Ўргатиш жалб этиш (пул)	Спорчилар
Аъзолик	Машғулотларни таъминлаш	Ассоциация аъзолари
Кадрлар таъминоти	Иш хақи, ҳуқуқ	Мураббийлар
Эркин ҳолдаги ишлар	Жамоатчилик маъсулият, ижтимоий ҳуқуқ Мураббийлар хизмати	Раҳбарлар
Ажратиш дотация	Жамоатчилик, фаолият молиялаштириш	Муассаса ташкилотлар
Спорт томошалари	Мусобақалар томошлар кириш чипталари	Матбуот томошабинлар

Жадвалдаги кўрсаткичларда маълумки, спорт ташкилотлари ўз фаолиятларини юритишда менежментга хос хусусиятларга эга бўлган турли хил иш турлари, хизматлар, даромад қилиш йўлларини афзал кўради.

Спорт рекламларини менежмент мазмуни эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Айниқса, йирик стадионлар, ўйин майдонлари, отчопарлар, велотреклар, кўча хиёбонлардаги спортга доир рекламали спорт маркетингинг қанчалик фаолият кўрсатаётганлигини намоиш этади.

Спорт иншоотлари, телевиденияларда намоиш этилаётган рекламаларда ўтказилаётган мусобақалар, номдор клублар, командалар, спортчилар қатори спорт буюмлари, жихозлари, спортчиларнинг истеъмол қиладиган ичимликларни ва бошқа турлар кўпроқ ўрин олади.

Ўзбекистоннинг йирик шаҳарлари вилоятларининг марказларида спорт мажмуалари стадионлар, теннис кортлари, сув хавзаларида ўтказилаётган расмий мусобақа жараёнида турли хил рекламалар ташкил этилмоқда телевидения радио орқали спорт соҳасидаги янгиликлар спорт жихозлари ва бошқаларни тарғиб қилиш одат тусига айланди. Бундай фаолиятлар спорт менежментининг юртимизга қадам қўяётганлидан дарак беради.

ОАВ орқали жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилиш билан биргаликда унинг тараққиётидаги асосий босқичлар, омиллар ҳам ёритиб борилмоқда. Бунда спорт лотто, стадионлардаги қатнашиб келаётган томошабинларнинг сони,

хомийларнинг амалий жиҳатдан кўрсатаётган моддий ёрдамлари ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Спортни бошқарув жараён сифатида талқин этилади. Чунки, бошқалар ёрдамида мақсадларга эришиш учун қилинадиган иш – бу қандайдир бир вақтда қилинадиган ҳаракатлар эмас, балки мунтазам ўзаро боғлиқ ҳаракатлар сериясидир. Ҳар бири ўзига хос жараён ҳисобланган ушбу ҳаракатлар ташкилотнинг муваффақияти учун жуда муҳимдир. Ҳар бир бошқарув функцияси ҳам жараённи намоён этади. Чунки, уларнинг ҳар бири ўзаро боғлиқ ҳаракатлар сериясидан иборатдир. Бошқарув жараёни барча функцияларнинг умумий йиғиндиси ҳисобланади.

Сегментлаш нима учун керак?

- Корхона ресурслари
- Маҳсулотларни хилма-хиллиги
- Маҳсулотни ҳаёт даври
- Рақобатчилар стратегияси
- Маҳсулотни йўналтириш
- Истеъмолчи фикрини шакллантириш

Мустақиллик дастлабки йилларидан бошлаб Ҳукуматимиз томонидан спортга бўлган эътибор янада ошди. Шунингдек, юртимиз келажаги бўлган ёш ва баркамол соғлом авлодни тарбиялашда, уларнинг спортга бўлган интилишларини янада қўллаб-қувватлаш борасидаги амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар амалда ўзининг ижобий натижасини бермоқда.


Мамлакатимиз Президенти таъкидлаб ўтганларидек, “Униб-ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний жиҳатдан тарбиялаш ва болалар спортини ривожлантиришга қаратилган дастурни амалга ошириш бўйича ишлар изчил давом эттирилди. Бунинг натижасида фақат 2010 йилнинг ўзида 72 та спорт иншооти, 27 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди, умумий қиймати 3 миллион АҚШ долларига тенг бўлган спорт инвентарлари ва ускуналар жойларга етказиб берилди”¹⁵.

Дарҳақиқат, юртимиз келажаги бўлган баркамол соғлом авлод тарбиясида уларга яратилаётган таълим-тарбия муассасалари билан бирга спорт иншоатларининг ўрни бекиёсдир.

Шу жиҳатдан, Оқсаройда бўлиб ўтган, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида ҳам биринчи Президент И.А.Каримов мамлакатимизда Болалар спортини

¹⁵ Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 21.01.2011 й.

ривожлантириш борасида куйидаги фикрларни таъкидлаб ўтдилар “...214 объект, жумладан, 130 спорт иншооти, 19 сузиш ҳавзаси ва 65 болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилиб фойдаланишга топширилди. Мамлакатимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар 2008 йилдаги 29,2 фоиздан 2011 йилда 34,9 фоизгача, жумладан, қиз болалар ўртасида 24,1 фоиздан 31,4 фоизгача ошди”¹⁶.



2

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида спорт ташкилотлари, спорт клублари бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ичида алоҳида ўринга эга. Уларнинг фаолият юритишидан асосий мақсад ўз имкониятларидан фойдаланган ҳолда баркамол ва соғлом авлодни тарбиялаш, спортга бўлган муносабатни янада яхшилаш, спорт соҳасини барқарор ривожланишига ҳамда Ўзбекистонни спорт орқали жаҳонга танитишдан иборатдир.

МАРКЕТИНГ

- **МАРКЕТИНГ** – (инг. Market – бозор, ing – фаол, фаолият, ҳаракат маъносини англатади), бунда товар ҳаракатларнинг барча босқичларини ўз ичига олувчи, талаб ва таклифни ўрганиш, маҳсулот ишлаб чиқариш дастурини яратиш, сотиш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган турли хизматлар кўрсатишдан иборатдир



¹⁶ И.А.Каримовнинг “Баркамол авлод-мамлакатимизнинг мустаҳкам таянчи” 2012 йил 10 феврал куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишидаги маърузаси. Халқ сўзи.// Г. 2012 йил 11. 02.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда спорт ташкилотлари, спорт клублари, шунингдек, спорт анжомлари ва инвентарларини ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятида маркетинг тизимини жорий қилиш ва такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

МАРКЕТИНГ ВАЗИФАСИ

- **Маъхсулотни ишлаб чиқариш**
 - ❖ Сифат
 - ❖ Сарф-Харажатлар
- **Махсулотни сотиш**
 - Талаб
 - Таклиф
- **Бозорда товарни сотилишини ташкиллаштириш**
 - Сотиш
 - Реклама

7

Шунингдек, спорт маркетингини жорий қилиниши спорт воситалари ва спорт буюмларини ишлаб чиқарувчи спорт корхоналари билан хизмат кўрсатиш тузилмаларининг хўжалик фаолияти билан боғлиқ муносабатларини кенгайтириш, спорт фаолиятининг барча соҳа ва тармоқларида спорт маркетингини жорий қилиш ва такомиллаштириш, соҳада ташаббускорлик, изланиш ва бошқа омилларнинг ривожланишига ҳам кенг имкониятлар яратмоқда.


Маркетинг фаолияти



9

Спорт маркетинги – спорт фаолиятида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни фаоллаштириш услубларини амалда қўллаш, спорт товарлари ва спорт билан шуғулланиш жараёнида зарур бўладиган спорт инвентарларини ишлаб чиқариш ҳамда сотиш муаммоларини тизимли ечиш услубларини жорий қилишда хизмат қилади. Шу билан бирга спорт маркетинги спорт хизматлари

бозорида вужудга келадиган ўзгаришларга тезда мослашиш, спорт товарлари ва хизматларига бўлган истеъмолчи табаларидан келиб чиқиб ёндашиш, спорт хизматлари бозорида рақобатбардош янги спорт товарларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш, спорт товарлари бозори конъюнктурасини ўрганиш ва режалаштириш ҳамда спорт маркетингини жорий қилиш, шу билан бирга спорт фаолиятига доир рекламани ривожлантириш масалаларини ўргатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйгандир.



Спорт фаолиятини бошқаришда менежерлар қарор қабул қилиш ва уни ишлаб чиқишда менежерларнинг ўз бошқариш дастурига эга бўлиши ва ундан самарали фойдаланишида асос бўлиб, маркетинг тизими муҳим ҳисобланади ҳамда спорт фаолиятини самарали бошқариш тизимида, уни тўғри ташкил этишда, спорт фаолиятини режалаштириш ва назорат қилишда спорт маркетинги муҳим аҳамият касб этади.

Маркетинг мазмуни ва терминологияси янгилашиб боради, лекин улар бошдан айирбошлаш жараёни, товар-пул муносабатлари пайдо бўлиши, сотиш шаклларини ривожланиши ҳамда истемолчиларни товар ва хизматлар билан ўзаро ҳаракати билан боғланади.

Маркетинг элементларининг пайдо XVII асрнинг ўрталарига бориб такалади. Бу давргача товарларни натурал айирбошлашни турли шакллари пайдо бўлади, кейинчалик маркетинг фаолиятини биринчи элементлари, яъни реклама, нарх, сотиш кабиларни ривожланиши кўзатилди.

1902 йилдан бошлаб АҚШнинг Мичиган, Калифорния ва Иллинойс университетларида маркетинг фани киритилиб, бу муаммолар бўйича маърузалар ўқитила бошлади. Кейинчалик маркетинг ассоциациялари ташкил топди.

1948 йилдан бошлаб маркетинг товарлар ва хизматлар оқимини ишлаб чмқарувчидан охирги пировард истеъмолчи томон йўналтирилган хўжалик фаолиятини ҳар хил турларини амалга ошириш сифатида кўрина бошлади.

Чет эл адабиётларида *Спорт таълим муассасалари учун молия муҳим роль ўйнайди. Спорт ташкилотларни юритиш учун албатта маблағ керак, шунинг учун ҳам харажатлар ва даромадларни тўғри тақсимлаш, бюджетни тўғри юритиш керак. Ушбу мавзунинг мақсади спорт ташкилотининг молиясини ҳисоб-китоб қилишни бошқаришда иложи борича осонлаштириш, ва спорт ташкилотини молиялаштириш манбалари, бюджетлаш ва ҳисоб-китоб тўғрисида сўз юритилади.*

Молиялаштириш манбалари.

Ташкилотлар ўзлари учун кўпроқ пул топиш учун аниқ бир манбаларни белгилаб олиши керак. Ушбу манбаларга пул йиғиш ва тижорат хомийлик топиш учун махсус тадбирлар ўтказилиши керак (Спорт менежмент).

Манбаларни йиғиш учун ўтказиладиган махсус тадбирлар бошқа тадбирлардан шундай фарқланадики, бу ерда одамлар учун махсус товар ёки хизматларни кўрсатиб, инсонлар эса улар учун пул тўлашга тайёр бўлади.

Олий таълим бу хизмат кўрсатиш соҳасидир. Бошқа соҳалар каби у ресурсларни товарларга, яъни хизматларга айлантиради (масалан инглиз тили, махсус тайёрлов курслари, масофавий ўқитиш).

Агарда улар хизматларини очиқ бозорда таклиф қилса, улар харажатларни қоплаган нархларда сотади ва фойда кўради. Лекин олий таълим муассасалари кўп ҳолларда очиқ бозорга чиқмай, ўзларини хизматларини харажатларини қопланмайдиган нархларда таклиф этади¹⁷.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси доирасида хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 29 августда 1268-сон билан рўйхатга олинган).

2. (FINANCING PUBLIC UNIVERSITIES the Case of Performance Funding by Zurich, Switzerland MARCEL HERBST page 1).

3. «Бюджет ҳисоби» фани бўйича таълим технологияси (Биринчи китоб). – Т.: ТДИУ, 2006.

4. Остонакулов М. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. –Т.: 2005.

5. Срождидинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими дарслик Т:2010. infoCOM.UZ МЧЖ нашриёти

¹⁷(FINANCING PUBLIC UNIVERSITIES the Case of Performance Funding by Zurich, Switzerland MARCEL HERBST page 1).

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот:

Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш ва уни молиялаштириш

Ишдан мақсад: Бюджетга қарашли спорт ташкилотларида штатлар жадвалининг шакллантириш. Корхона менежерининг смета ижросини таъминлашдаги ўрни. Смета харажатларининг ортиқча ишлатилган учун жавобгарлик. Йиллик смета харажатларининг самарали фойдалинишида корхона менежери ва бош ҳисобчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Масаланинг қўйилиши: Ушбу мавзу бўйича ҳар бир тинглавчи ўзи ишлаб турган ОТМ фаолияти бўйича мамунавий штатлар жадвали тузиш бўйича тушунчаларини синаб кўриш

Назорат учун саволлар

1. Штат жадвали ким томонидан тузилади?
2. Штат жадвалини тузишда нимага сосланилади?
3. Штат жадвали ким томонидан тузилади?
4. Штат жадвалини тузиш учун ким жавобгар?
5. Штат жадвали қандай тасдиқланади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси доирасида хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 29 августда 1268-сон билан рўйхатга олинган).

2. (FINANCING PUBLIC UNIVERSITIES the Case of Performance Funding by Zurich, Switzerland MARCEL HERBST page 1).

3. «Бюджет ҳисоби» фани бўйича таълим технологияси (Биринчи китоб). – Т.: ТДИУ, 2006.

4. Остонакулов М. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. –Т.: 2005.

6. Бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобидаги охириги ўзгаришлар. –Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007.

5. Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими дарслик Т:2010. infoCOM.UZ МЧЖ нашриёти

6. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги сайти).

2-амалий машғулот:

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида спорт менежмент ва маркетинги фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш

Ишдан мақсад: ОТМда бюджетдан ташқари ишлаб топилган маблағларнинг манбалари, уни асословчи ҳужжатлар асосида харажатлар сметасини тузиш ва расмийлаштириш ҳақида етарли кўникмага эга бўлиши.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчи ишлаб турган ОТМда бюджетдан ташқари ишлаб топилган маблағларнинг манбалари, уни асословчи ҳужжатлар асосида харажатлар сметасини тузиш ва расмийлаштириш

Назорат саволлари

1. Бюджет маблағлари қандай ташкилотларга берилади?
2. Смета неча нусхада тузилади ва қандай ташкилотларда сақланади?
3. Сметани тузиб, тасдиқловчилар кимлар?
4. Штат жадвалини тузиб тасдиқловчилар кимлар?
5. Сметанинг тасдиқланиш даври қачангача?
6. Смета тасдиқлангунча қандай молиялаштирилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси доирасида хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 29 августда 1268-сон билан рўйхатга олинган).

2. (FINANCING PUBLIC UNIVERSITIES the Case of Performance Funding by Zurich, Switzerland MARCEL HERBST page 1).

3. Остонақулов М. Бюджет ҳисоби ва бюджет ижросининг назорати. –Т.: Молия, 2007.

4. «Бюджет ҳисоби» фани бўйича таълим технологияси (Биринчи китоб). – Т.: ТДИУ, 2006.

5. Остонақулов М. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. –Т.: 2005.

6. Бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобидаги охириги ўзгаришлар. –Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007.

7. Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими дарслик Т:2010. infoCOM.UZ МЧЖ нашриёти

8. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги сайти).

3- амалий машгулот:

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида молиявий маблағлар тушуми, харажатлар сметасини тузиш ва молиявий фаолиятни таҳлил қилиш

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаси маблағларини ишлатиш тартиби. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаси молиявий-хўжалик фаолиятини олиб бориш.

Ишдан мақсад: ОТМ да бюджет ва бюджетдан ташқари ишлаб топилган маблағлардан олинадиган солиқлар ва мажбурий тўловлар миқдорини ҳисоблаш тартибини ўргатиш.

Ишни бажариш учун намуна:

Ўқитувчининг бир ойлик маоши 1250000 сўм. Даромад солиғини ҳисобланг.

Солиқ солинадиган даромад миқдори	Солиқ суммаси
1. Энг кам иш ҳақи суммаси 149750 сўм	Даромад солиғи суммаси 0 фоиз
2.149750 сўмдан 748750 сўмгача	149750 сўмдан ортиқ сумманинг 7.5 фоизи
3.748750 сўмдан 1490750 сўмгача	748750 сўмдан ортиқ сумманинг 17 фоиз
4.1490750 сўм	1490750 сўмдан ортиқ сумманинг 23 фоиз

Назорат саволлари

1. Ойлик маошдан қандай солиқлар ушлаб қолинади?
2. Даромад солиғини ҳисоблаш тартиби қандай?
3. Ойлик маошдан қандай мажбурий йиғимлар ушлаб қолинади?
4. Йиғилиб борувчи пенсия жамғармасига қандай ажратилади?
5. Касаба уюшмасига қандай ажратилади

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси доирасида хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 29 августда 1268-сон билан рўйхатга олинган).

2. (FINANCING PUBLIC UNIVERSITIES the Case of Performance Funding by Zurich, Switzerland MARCEL HERBST page 1).

3. Остонакулов М. Бюджет ҳисоби ва бюджет ижросининг назорати.–Т.: Молия, 2007.

4. «Бюджет ҳисоби» фани бўйича таълим технологияси (Биринчи китоб). – Т.: ТДИУ, 2006.

5. Остонакулов М. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. –Т.: 2005.

6. Бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобидаги охириги ўзгаришлар. –Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007.

7. Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими дарслик Т:2010. infoCOM.UZ МЧЖ нашриёти

8. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги сайти).

Ишни бажариш учун намуна

Тасдиқлайман

Ҳисоботдаги сумма Беш миллион беш юз минг сўм. беш минг доллар

(сўз билан)

Ташкилот

раҳбари _____

(имзо)

_Баромов Б.О.

(Ф.И.Ш.)

«_18_»_май 2015й.

АВАНС ҲИСОБОТИ 2-сон

«_17_» май 2015 йилдан.

Таркибий бўлинма Мураббий

Молиялаштириш манбаси Бюджетдан ташқари

Ҳисобдор шахс Ахмедов.Аҳат .Ахмедович

Лавозими Мураббий

Аванс номи

Осий биринчилиги

Кўрсаткич номи		Сумма, сўм.	Бухгалтерия ёзуви		Сумма, сўм	
			дебет	кредит		
Олдинг и аванс	қолдиқ Ортиқча ишлатилди		1	2	3	4
Аванс олинди (кимдан ва қачон)						
№25 К/О сўм		5500000	176	120	5500000	
№ 26 К/О доллар		5000	176	120	5000	
Жами олинган		5500000	176	120	5500000	
Ишлатилди		5000	176	120	5000	
Қолдиқ		йўқ				
Ортиқча ишлатилди		йўқ				

Илова: 11 та та ҳужжатлар

Ҳисобот текширилди.

4. «Бюджет ҳисоби» фани бўйича таълим технологияси (Биринчи китоб). – Т.: ТДИУ, 2006.
5. Остонақулов М. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. –Т.: 2005.
6. Бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобидаги охириги ўзгаришлар. –Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007.
7. Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими дарслик Т:2010. infoСOM.UZ МЧЖ нашриёти
8. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги сайти).

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-Кейс.

Чет элда бўладиган спорт мусобақасига Низом бўйича 15 нафар спортчи, 2 нафар мураббий 1 нафар ҳакам иштирок этиши керак эди. Спортчилар делегацияси учиб кетадиган куни тасодифан ҳакам кета олмади, унинг ўрнига заҳира ўйинчи учиб кетди. Ушбу заҳира ўйинчи мусобақага ғалаба келтирди. Низом асосида мусобақа молиявий ҳисоботини топшириш.

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).

- Ҳар бир спортчи учун бир томонга йул харажатлари 1200000 сўм, меҳмонхона харажатлари кунига 20 доллар, кунлик овқатланиш харажатлари 10 доллар.

- Яъни ишлаб чиқилган илова дизайни барча қурилмалар учун стандарт бўлишини таъминлашда бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш)

2-Муаммоли вазият.

Республика биринчилига мусобасини ўтказиш бўйича федерация Низомига асосан спортчиларнинг йўл, ётоқ ҳамда овқатланиш харажатларидан бошқа барча сарф харажатлар спорт федерацияси ҳисобидан молиялаштирилиши керак эди. Мусобақа уч кунга мулжалланган бўлиб бошланишидан бир кун олдин маблағ билан таъминлашнинг имкони бўлмаётгани маълум бўлди.

Мусобақани ўтказиш ёки ўтказмасликнинг тўғри ечимини топинг.

Спорт мусобақасининг молиявий ҳисоботи ким томонидан қандай тузилади.

Манба:

1. Мусобақанинг тантанали очилиш маросими учун санъаткорларга 2500000 сўм.

2. Спорт ишоатининг ижарисига ҳар кунига 2000000 сўм.

3. Медаль диплом ва турли совғаларга 10000000 сўм режалаштирилган

3-Кейс.

Тайландда бўлиб ўтадиган Осиё чепионатига ташкилий қўмитанинг ташриф қоғози ва Низомига асосан 10 нафар спортчи ва 2 нафар мураббийдан

иборат жамоа барча ҳужжатларни тайёрлаб, пулларни олиб, учиб кетиш кунда 1-чи рақамли спортчи паспортини йўқотиб қўйди.

Бир нафар спортчи мусобақада иштирок эта олмади. Ҳолатни тўғри баҳолаб, мусобақанинг молиявий ҳисоботини тузинг.

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

Мусобақа харажатлари.

Бир спортчи учун йўл харажати 2300000 сум, меҳмонхона харажати 20 доллар, кунлик овқатланиш харажати 10 доллар.

Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабаблар ва ҳал этиш йўллари жадвал асосида изоҳланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).

Муаммо тури	Келиб чиқиш сабаблари	Ҳал этиш йўллари

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил иш муайян модулдан ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисмини тингловчи томонидан ўқитувчи маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ва аудиториядан ташқарида ўзлаштиришига йўналтирилган тизимли фаолиятдир.

Мустақил ишни бажаришдан *асосий мақсад* – тингловчиларни модулни узлуксиз ўрганишини ташкил этиш, олинган билим ва кўникмаларни янада мустаҳкамлаш, келгусидаги ўзлари фаолият олиб бораётган таълим муассасасида спорт тадбирларининг молиявий ҳисоботларини мустақил равишда тузиш кўникмаларини ривожлантиришдан иборат.

Мазкур модул бўйича мустақил таълим жараёнида тингловчи кўйидагиларни амалга ошириши лозим:

– мавзулар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларни тегишли бобларининг мазмунини ўзлаштириш;

– маърузаларнинг маълум қисмларини тарқатма материаллар ёрдамида ўзлаштириш;

– махсус адабиётларни ўрганган ҳолда модул мавзулари устида ишлаш;

– тегишли асбоб-ускуналар билан ишлаб, жараёнлар ва технологияларни ўрганиш;

– ўқув-илмий тадқиқот ишларни бажариш билан боғлиқ бўлган модул мавзулари ва бўлимларини чуқур ўрганиш.

– интерфаол ва масофавий таълим услубларидан кенг фойдаланиш.

Мустақил таълим мавзулари:

1. Жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларини молиялаштириш.
2. Спорт таълими муассасалари бюджети, бюджетдан ташқари маблағлар ва уларни ишлатиш тартиби.
3. Таълим муассасаларида маблағлар тушуми.
4. Маблағларни ишлатиш, солиқ, солиққа тортиш ва молиявий-хўжалик фаолиятини олиб бориш.
5. Раҳбар хонаси ва қабулхонасининг жиҳозланишига бўлган талаблар.
6. Биронта спорт ташкилотининг штат жадвали ва сметасини тузиш бўйича мисол келтиринг.
7. Биронта спорт тадбирининг якуни бўйича аванс ҳисоботини тузинг.
8. Биронта спорт федерациясининг спорт тадбирларининг йиллик тақвим режасини ва сметасини тузинг.

VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шархи	Инглиз тилидаги шархи
<i>Бюджетдан ажратиладиган маблағлар</i>	Давлат бюджетидан ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан бюджет ташкилотлари ҳамда бюджет маблағлари олувчилар учун назарда тутиладиган пул маблағлари.	budgetary allocations - funds provided for budgetary organizations and the recipients of budget funds from the State Budget of the Republic of Uzbekistan and the budgets of state trust funds.
<i>Бюджет жараёни</i>	бюджет тизими бюджетларини шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ва ижро этиш, уларнинг ижроси устидан назорат қилиш, бюджет тизими бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёни.	budget process - the process of formation, preparation, review, acceptance, approval and execution of budgets of the budgetary system, control over their execution, preparation and approval of the performance of the budget system of reporting, as well as the relationship between them.
<i>Бюджет жараёни иштирокчилари</i>	давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат молиявий назорат органлари, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар.	participants in the budget process - the bodies of state power and administration, bodies of state financial control, budget organizations and budget recipients.
<i>Бюджет ссудаси</i>	қайтариш шарти билан юқори турувчи бюджетдан куйи турувчи бюджетга, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларига, резидент-юримдик шахсга ажратиладиган пул маблағлари.	budget loan - funds allocated on a returnable basis of the higher budget in the lower budgets and state trust funds, resident legal entity.
<i>Бюджет сўрови</i>	келгуси давр учун бюджетдан ажратиладиган маблағларни олишга бўлган эҳтиёжни асослашни назарда тутувчи ҳужжат.	budget request - a document providing justification for the need for budget appropriations for the next period.
<i>Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари</i>	конун ҳужжатларида назарда тутилган манбалар ҳисобидан бюджет ташкилоти тасарруфига келиб тушадиган маблағлар.	extra-budgetary funds of budget organizations - funds made available to the budget organization at the expense of sources provided by the legislation.
<i>Давлат бюджети профицити</i>	-муайян даврда давлат бюджети даромадларининг унинг харажатларидан ошиб кетиши.	State budget surplus - the excess of the State Budget of the Republic of Uzbekistan revenues over expenditures for a given period.
<i>Давлат бюджети тақчиллиги</i>	-муайян даврда давлат бюджети харажатларининг унинг даромадларидан ошиб кетиши.	The state budget deficit - the excess of the Republic of Uzbekistan State Budget expenditures over revenues for a certain period.

<i>Даромадлар ва харажатлар сметаси</i>	-бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармаларининг тегишли чорак ёки молия йили учун кутилаётган тушумлари ва харажатлари акс эттириладиган ҳужжат.	estimates of income and expenditure - a document which reflects the expected income and expenditure of extra-budgetary funds of budget organizations for the relevant quarter or fiscal year.
<i>Дотация</i>	-бюджет тизими бюджетларига уларнинг ўз даромадлари етишмаган тақдирда даромадлар билан харажатлар ўртасидаги фарқни қоплаш учун қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари.	Dotation - funds allocated free of budgets of the budgetary system to cover the difference between revenues and expenses in case of insufficiency of their own income.
<i>Жамланма харажатлар сметаси</i>	-бюджет маблағларини тақсимловчи томонидан унинг тасарруфидаги бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметалари асосида тузиладиган харажатлар сметаси;	Overall cost estimates - cost estimates compiled manager of budgetary funds on the basis of estimates of expenditures of budgetary organizations and subordinate recipients of budgetary funds.
<i>Молиявий мажбуриятлар</i>	-бюджет ташкилотларида ва бюджет маблағлари олувчиларда уларга пул маблағларини ўтказиш мажбуриятини юкловчи ҳужжатлар, шу жумладан ижро ҳужжатлари асосида юзага келадиган мажбуриятлар.	financial liabilities - liabilities arising from the budgetary organizations and the recipients of budget funds on the basis of documents, including court orders obliging them to transfer funds.
<i>Харажатлар моддаси</i>	-бюджет тизими бюджетлари харажатларини иқтисодий йўналиши ва тўловларнинг аниқ турлари бўйича белгиловчи бюджет таснифининг бир қисми.	expenditure part of the budget classification, which defines the budgetary system expenditure on economic goals and specific types of payments.
<i>Харажатлар сметаси</i>	-бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи томонидан молия йили учун тузиладиган ва тасдиқланадиган, унинг учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар харажатлар моддалари бўйича акс эттириладиган ҳужжат.	cost estimate - a document drawn up and approved by the budgetary organization or the recipient of the budget for the fiscal year, which reflects provided for her (him) budget allocation of expenditure.
<i>Штаб жадвали</i>	-доимий ходимлар ва бўш ўринлар лавозимларининг номланишини уларнинг сони ва лавозим маошларининг миқдорлари кўрсатилган ҳолдаги рўйхатини ўз ичига оладиган, бюджет ташкилоти томонидан тузиладиган ҳужжат.	staffing — a document containing a list of job titles of employees and vacancies with the indication of their number and salaries, draw up the budget of the organization.
<i>Шахсий газна ҳисоб варақлари</i>	-Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизимида очиладиган, бюджет тизими бюджетлари ижроси билан боғлиқ операцияларни акс эттириш учун мўлжалланган тахлилий ҳисоб регистрлари.	Treasury personal accounts - analytical accounting registers opened in the information system of the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan, designed to reflect

		the operations relating to the execution of the budgets of the budget system.
Ғазначилик бўлинмалари	-Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ғазначилик бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар бўйича ғазначилик бўлинмалари.	treasury departments - the Treasury of the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan, the control of the Treasury of the Republic of Karakalpakstan, regions and Tashkent city, the Treasury department on areas and cities.
Худудий молия органлари	-Қорақалпоғистон Республикасининг Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари.	territorial financial authorities - the Ministry of Finance of the Republic of Karakalpakstan, the financial management of regional administrations and Tashkent city, the financial departments of regional and city.
Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети (Давлат бюджети)	-Давлатнинг давлат вазифалари ва функцияларини молиявий жиҳатдан таъминлаш учун мўлжалланган марказлаштирилган пул жамғармаси.	State Budget of the Republic of Uzbekistan (State budget) - a centralized monetary state fund intended for financial security objectives and functions of the state.

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Махсус адабиётлар:

1. (FINANCING PUBLIC UNIVERSITIES the Case of Performance Funding by Zurich, Switzerland MARCEL HERBST page 1).
2. E. Eksteen., Sport Management. Manual for Sport Management
3. Lisa P. Masteralexis, Carol A. Barr, Mary A. Hums, Principles and Practice of Sport Management
4. Остонакулов М. Бюджет ҳисоби ва бюджет ижросининг назорати.–Т.: Молия, 2007.
5. Остонакулов М. Бюджет ташкилотлари харажатлар сметалари ижросининг бухгалтерия ҳисоби.–Т.: Здравплюс/ЮСАИД, 2004.
6. Вахобов А., Сирожиддинова З. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими.–Т.: ТФИ, 2002.
7. Срожиддинова З.Х.Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими дарслик Т.: 2010.

Интернет ресурслари:

8. <http://www.soliq.uz>
9. <http://www.mf.uz>
10. <http://www.budgetrf.ru>
11. <http://www.imf.org>
12. <http://www.worldbank.org>
13. <http://www.budgetrf.ru>